Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ- СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 143 (21. 242) 1992 йил 22 июль, чоршанба

БАҲОСИ 2 СЎМ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Воқеалар. Янгиликлар. Шарҳлар.

ХУШХАБАРЛАР

«ИСТИҚБОЛ»НИНГ ЖИЛОСИ

● Самарқанд вилоятига қарашли Гўзалкент район шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари уюшмаси қошида очилган «Истиқбол» кичик корхонаси дастлабки маҳсулот берди.

Корхона номи билан аталган атлас нафислиги ва жилоси билан харидорларга манзур бўлди. Ҳозир олтита дастгоҳнинг иккитасида ҳар сменада 60 метр мато тайёрланмоқда. Хом ашё таъминоти яхши йўлга қўйилгач, бундан уч-тўрт баравар кўп маҳсулот олинади. Кейинроқ беқасам ва дока ҳам чиқарилади.

ЎЗАРО ФОЙДАЛИ ШАРТНОМА

● Андижон ип газлама бирлашмаси билан Избоскан районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ўртасида шартнома тузилди.

Унда деҳқонларнинг тўқимачиларни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаб туриши, бирлашма ишчи-хизматчиларининг эса қишлоқда тўқимачилик цехлари очиши, ип газлама савдосини уюштириши кўзда тутилган.

Жамоа хўжалигида ҳозирдаёқ бўш ётган бинолар таъмирланиб, тўқиш дастгоҳлари ўрнатила бошлади, қишлоқ ёшларидан бир гуруҳига бирлашма фабрикаларида ҳунар ўргатилди.

ЯХШИ ДАМ — МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

● Қибрай районидаги «Октябрь» жамоа хўжалиги касаба уюшмаси меҳнаткашларнинг ёзги дам олиши кўнгилдагидек ўтиши ҳақида қайғурмоқда.

Яқинда 90 нафар деҳқон Шоҳимардон, Иссиқкўл ҳамда Бишкек шаҳридаги дам олиш уйлари ва санаторийларга жўнаб кетди. Ўтган ойда эса бир гуруҳ жамоа аъзолари «Хумсон», «Чимён» ва «Чинобод» санаторийларида даволаниб қайтдилар. Йўлланма пулининг муайян қисмини касаба уюшмаси тўламоқда.

(ЎзА).



● *МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ*

ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН

Сафда турган бугдоймағиз йигитларнинг юзларида энтикиш борлиги кўринади. Елиб турган тонги сабо аскарларни хаёл отига миндиргандек. Бугунги унутилмас, хотирада бир умрга муҳрланадиган онларда қишлоқ-шаҳарлари, водий-воҳалари эпкини димоғларига урилгандек. Нима бўлганда ҳам манзилларига элтиб қўйишда автомобиль транспорти хизматининг аҳамияти ортиб боряпти. Бу ерда янги автокорхоналар, автовокзаллар қурилиб ишга туширилмоқда.

— Уч-тўрт йил олдин Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардияси бўлади, деб бўлармиди? — дейди полковник Исоқжон Фозилов. — Мана, истиқлол, мустақиллик самара бериб, Ўзбекистон Миллий гвардиясига бош бўлиб турибман. Булар бахтли йигитлар, қалдирғочларимиз билан фахрланамиз.

Майдон узра команда берилгани эшитилади. Шитобли қадамлар, этикларнинг ялтирашида ўзига хос уйғунлик бордек.

...халқимга, Президентимга содиқ бўлишга тантанали равишда қасамёд қиламан.

...ҳалол, жасур ва сергак жангчи бўлишга қасамёд қиламан.

Сўнгги нафасим қолгунча она-Ватанимнинг садоқатли фарзанди бўлиб қолишга... аждодларимиз руҳи олдида қасамёд қиламан.

Жонажон Ўзбекистоннинг нурли истиқболи... ва мустақиллигининг ҳимоячиси бўлишга қасамёд қиламан...

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Миллий гвардияси аскарлари ўртасида ҳарбий қасамёдни қабул қилиш ана шундай тантанавор ва байрамона тарзда бошланди. Ҳар бир аскар қасамёдидан кейин командирларнинг «қабул», дейиши билан: «Ўзбек халқига хизмат қиламан!» жавобини йигитлик ғурури ила фахр билан такрорланиши ва ота-оналар кўзида қалқиётган қувонч ёшларини кўриб, шу кунлар учун кўнглимизда шукроналар туйдик.

— Билсангиз, фахрий қоровул отрядининг хизматлари бўлакча, — сўзида давом этади И. Фозилов. — Улар юртимизга ташриф буюрган мўътабар меҳмонларга ҳурмат бажо айлаб, аэропортда тантанали кутиш ва кузатиш чоғлари саф тортиб, шахдам қадамлар билан тантанавор юриш қиладилар. Бу энди, мустақил давлатимиз учун ҳарбий анъана бўлиб қолади. Ҳа, саратон қуёшига тик боқиб турган аскарларимиздан умидимиз катта.

Майдон узра сукут чўкди. Қасамёд қабул қилиш тугагани ҳақида рапорт берилди. Республикамизнинг гимни садолари таралди. Миллий гвардия аскарларини Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Р. Ў. Аҳмедов табриклаб, жанговар тайёргарликда, мустақилликни мустаҳкамлашда ёшларга муваффақиятлар тилади. Командирлар, аскарлар, ота-оналар ўзларининг дил сўзларини айтишди.

«Қувончимнинг чеки йўқ, — дейди оддий аскар Б. Эргашев. — Хизматни миллий гвардияда ўташ менга насиб этган экан, бу кунлар мен учун унутилмас хотира бўлиб қолади. Биз гвардиячилар она юртимиз бахт-саодати, фаровонлигини асраш, сарҳадларимиз бедахл бўлишига доим шай туришга ҳаракат қиламиз. Йигит сўзидан арслон изидан». «Фарзандларимиз ўз диёримизда, қолаверса, бағримизда хизмат қиладиган кунларнинг қадр-қимматини сўз билан ифодалаш қийин, — дейди Ҳабиба Холмирзаева. — Ахир, ҳаммамиз ҳам бу ёруғ дунёнинг меваси — болаларимизни, деб юрибмиз. Йигитларимизга жасур, бардам ва хушёр бўлсангизлар, биз ҳам хотиржам бўламиз, дегим келади».

Ўзига хос байрам спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари, аскарлар билан ота-оналар ўртасидаги ўзаро мулоқотлар ҳамда бир пиёла чой устидаги ширин суҳбатлар билан якунланди. Ҳарбий қасамёдни қабул қилиш аскару меҳмонларда яхши таассурот қолдирди.

Ҳ. НОСИРОВ,

СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Республикаси миллий гвардия аскарлари ўртасида ҳарбий қасамёдни қабул қилиш маросимидан лавҳалар.

Суратқаш В. МОЛГАЧЕВ.

ИСЛОМ КАРИМОВ СИ-ЭН-ЭН МУХБИРИ БИЛАН УЧРАШДИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов 21 июль куни Американинг Си-Эн-Эн телекомпанияси мухбири Шиван Дэрроу билан учрашди ва журналистнинг саволларига жавоб қайтарди.

Мустақил республика раҳбари Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилингандан кейин ўтган давр тўғрисида гапириб, аниқ иқтисодий йўлни белгилаб олиш, барқарор сиёсий ва миллатлараро вазият асосий жиҳат бўлганлигини таъкидлади.

Президент Ўзбекистонда бой табиат ресурслари, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг етарли даражада кенг тармоқли ёрдамчи соҳалари мавжудлигини таъкидлаб ўтди. Бу эса олга томон ишонч билан ҳаракат қилишнинг пухта кафолатидир.

(ЎзА).

● БЕШ ҲАЛҚА БЕЛГИСИ ОСТИДА

БАРСЕЛОНАДАГИ УЧРАШУВ

Барселонада Халқаро олимпиада комитетининг 99-сессияси очилди. Сессия ишида қатнашиш учун 2000 йилдаги XXVII ёзги олимпиада ўйинларини Тошкентда ўтказиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун Тошкент шаҳрининг даъвогарлигига доир Ўзбекистон пойтахти ва тайёргарлик комитетининг делегацияси таклиф этилди.

Халқаро олимпиада комитетининг президенти Хуан Антонио Самаранч Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовга йўллаган шахсий мактубини Тошкент делегациясига топширди. Мактубда Ислом Каримов Барселонадаги XXУ Олимпиада ўйинларини расмий равишда ёпиш маросимида иштирок этишга таклиф қилинган.

Тошкент шаҳри делегацияси Барселонада ўз ишини давом эттирмоқда. Халқаро олимпиада комитети, халқаро спорт федерацияларининг аъзолари билан кўпдан-кўп учрашув ва музокаралар бўлди.

(ЎзА)

● *Менежерлар кўпаймоқда*

«ҚАЛДИРҒОЧ»ЛАР САРАТОНДА УЧАДИ...

— Мустақил Республикамиз истиқболи ишбилармон кишиларнинг фаолиятига боғлиқдир, — дейди Ўзбекистон агротижорат институтининг ректори Р. Турсунов. — Эзгу мақсад йўлида ишлаётган институтимиз дастлабки қалдирғочларни учирма қилди.

Куни кеча тижоратчи-менежер дипломини олган 140 талаба бир йил тиғиз дастур асосида ўқиди. Шунинг учун биз ўқитувчиларни танлашга алоҳида аҳамият бердик. Мукаммал дарсликларнинг камлиги ўқитувчилар масъулиятини янада оширди. Бўлажак ишбилармонлар инглиз тилида сўзлашни, ҳисоблаш машиналари ва компьютерларда ишлашни ҳам ўргандилар. Талабалар кичик ва қўшма корхоналарда иш юритиш, тижоратнинг сир-асрорлари билан танишдилар.

Ҳозир талабаларимиз агросаноат комплекси, Ким Пен Хва номли халқ корпорацияси ҳамда агротижорат республика акционерлик банкида иш бошладилар. Институтни аъло баҳога битирган ёшларнинг АҚШ ва Туркия агротижорат банкларига тажриба ўрганиш учун боришлари мўлжалланмоқда.

П. НИШОНОВ,
ЎзА мухбири.

● *Омадингизни берсин*

ЮТУҚЛАР—ЖОНАЖОН РЕСПУБЛИКАМИЗНИКИ

● Самарқандликлар мустақил Ўзбекистонимиз биринчи заёмининг биринчи тиражини кўнгилдагидек ўтказишга юксак масъулият билан ҳозирлик кўрмоқдалар. Вилоят ҳокими ушбу тадбирни ҳар томонлама намунали, юксак савияда ўтказиш юзасидан фармойиш чиқарди ҳамда ҳоким ўринбосари, вилоят иқтисодиёт қўмитаси раиси, иқтисод фанлари номзоди Ўткир Нуруллаев бошчилигида ташкилий комиссия тузди.

Шуниси қувончлики, кўҳна ва навқирон Самарқанд бағри 30 июль куни байрамона тус олади. Айниқса, қадимий Регистонда жуда кўплаб тадбирлар ўтказилиши кўзда тутилмоқда. Жумладан маиший хизмат кўрсатиш ходимлари янги модада тиккан кийим-кечакларни намойиш қиладилар. Тошкентлик ва самарқандлик санъат усталари концерт қўйиб беришади. Бундан ташқари бу ерда савдо кўргазмаси ҳам ўтказилади.

Вилоятдаги барча жамғарма банкларида 12 фоизли ютуқли заёмни сотиш қизғин давом этаётир.

— Бугунга қадар аҳоли биздан 19 миллион сўмликдан зиёд заём облигацияларини харид қилди, — дейди Боғишамол туманидаги 719-жамғарма банки бошқарувчиси Тўйчи Қодиров. — Кишилар ўзлари сотиб олиш билан бирга, тушунган ҳолда бошқаларни ҳам, аниқроғи бир-бирларини хосиятли тадбирга даъват этмоқдалар.

Биз банкда бўлиб бир неча кишилар билан суҳбатлашдик.

Тошботир КЕНЖАЕВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, меҳнат фахрийси:

— Мен умрим давомида кўплаб лотерея ва заёмларни кўрдим. Лекин бунисси ҳаётимда ўзгача аҳамиятга эга. Сабаби, бу мустақил Ўзбекистонимизнинг биринчи ютуқли заёмидир. Унда қатнашган киши юртимиз мустақиллигини таъминлашга ҳисса қўшган бўлади, деб биламан.

Гулжаҳон САМИЕВА,
ўқитувчи:

— Жумҳуриятимиз мустақилликка эришгандан буён муаллимларга тинмай гамхўрлик кўрсатилмоқда. Шунинг учун ҳам мен отпуска пулимнинг ҳаммасига заём сотиб олдим. Зора, бу маблағ юртимизнинг оғирини енгил қилса.

Гап менинг ёки бошқа бир кишининг катта ютуқ ҳа эга бўлишида эмас. Гап Ўзбекистонимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлашда. Демоқчиманки, ютуқларнинг барчаси, уни ким олишидан қатъи назар, ўзимизники, халқимизники, серқуёш Ўзбекистонимизникидир.

Хуллас, 30 июль эрталаб Регистондаги Тиллақори мадрасаси саҳнида Ўзбекистон заёмининг биринчи тиражи ўйналади. Омадингизни синаб кўринг!

Ф. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов 21 июлда Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулоддa ва мухтор элчиси Гуань Хэнгуан билан элчихонанинг учинчи котиби Ли Хуалайни ўларнинг илтимосига кўра қабул қилди.

М. М. Расулов ХДП Дастурини рўёбга чиқариш бўйича партия фаолияти тўғрисида, унинг мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан қарор топишидаги тутган йўли ҳақида ҳикоя қилиб берди. У партиянинг асосий диққат-эътибори республикада сиёсий барқарорликни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва осойишталикни ҳамда миллатлараро иноқликни мустаҳкамлашга қаратилганлигини таъкидлаб ўтди.

Ўртоқ Гуань Хэнгуан қардош хитой халқининг суверен Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришларга катта қизиқиш билан қараётганини маълум қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти, ХДП Раиси И. А. Каримовнинг Хитойга сафари ниҳоятда самарали бўлганлигини қайд этди. Мазкур ташриф чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни янада ривожлантиришга қаратилган ўн бешта расмий ҳужжат имзоланди. Имзоланган битимларни амалда бажариш ҳозирдаёқ бошлаб юборилди.

Қизғин, дўстона вазиятда ўтган суҳбат давомида томонлар икки давлат халқлари манфаатларига даҳлдор кўпгина масалаларни муҳокама қилдилар.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг иккинчи котиби М. Қирғизбоев ва Марказий Кенгаш парламент ишлари ва партиялараро алоқалар бўлимининг мудири Ш. Шоисломов иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг матбуот маркази.

● **РЕЖАЛАР ВА ИМКОНИЯТЛАР**

ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ

● Кейинги йилларда Қорақалпоғистон Республикасида халқ хўжалиги юкларини ташишда ва йўловчиларни манзилларга элтиб қўйишда автомобиль транспорти хизматининг аҳамияти ортиб боряпти. Бу ерда янги автокорхоналар, автовокзаллар қурилиб ишга туширилмоқда.

Дарвоқе, Қорақалпоғистон автомобиль транспорти тарихига назар ташлайдиган бўлсак, у анчагина салмоқли ва узоқ йўлни босиб ўтди. Воҳада биринчи автомобиль 1927 йили Чимбой-Қизилўрда йўлини қуриш даврида пайдо бўлди. Орадан кўп ўтмай 581 километрли Қизилўрда-Чимбой маршрутида 8 та автобус қатнови йўлга қўйилди. Шундай қилиб, Қорақалпоғистонда автотранспорт хизматининг дастлабки фаолияти бошлаб юборилди.

1937 йилда «Қорақалпоқтранс» бошқармаси тузилди. Кейинчалик юк автомашиналари, автобуслар, таксилар кўпайиши ҳисобидан шаҳар ва районларда кўплаб автокорхоналар ташкил этилди. Буларнинг ҳаммаси аҳолига янада яхшироқ хизмат кўрсатишда муҳим омил бўлди. 90-йилларга келиб бошқарма ҳисобидаги автомобиллар сони 3327 тага етказилди. Бу автотранспортлар 19 та автокорхонага бирлаштирилди. 5 та автокорхона юк ташиш, 2 та автокорхона автобуслар, битта автокорхона такси ва 11 та автокорхона аралаш транспорт хизматлари билан шуғуллана бошлади.

Эндиликда «Қорақалпоқтранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарияти янги базалар яратиш ва бошқа зарур объектларни қуриш, шунингдек ҳозирги базаларни реконструкция қилиш йўлида саъй-ҳаракатларни кучайтирмоқда. Айни пайтда инженер-техниклар, ҳайдовчиларнинг ижтимоий турмуш шароитларини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор бериляпти. Уларнинг иш ҳақлари оширилиб, бир қатор қулайликлар яратилмоқда.

Мана, бугунга келиб бозор иқтисодиёти қийинчиликларига қарамай, Қорақалпоғистон Республикаси автомобиль транспортчилари воҳага биринчи автомобиль келганининг 65 йиллиги, «Қорақалпоқтранс» бирлашмасининг 55 йиллик юбилейини нишонламоқда. Дейлик, 870 та автобус, 420 та енгил такси аҳолига беминнат хизмат кўрсатяпти. Шу йилнинг беш ойида йўловчилар ташишдан 28,2 миллион сўм, енгил таксилардан эса 8 миллион 600 минг сўмдан кўпроқ даромад олинди. Юк автомашиналари билан 6,6 миллион тонна халқ хўжалиги юкларн ташиб берилди. Юк оборoти режаси 131 миллион тонна-километрдан ошиб кетди.

Яқинда «Оролводстрой» ихтисослаштирилган қурилиш бирлашмасининг мажлислар залида ушбу қўшалоқ байрамга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда «Қорақалпоқтранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи Ж. Шомуротов жумҳурият автотранспорти кечаги ва бугунги фаолияти ҳақида маъруза қилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Р. Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси автомобиль транспорти вазири Л. Ахметов ҳам табрик нутқи сўзладилар. Тантанали йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раиси У. Аширбеков иштирок этди.

Йиғилиш сўнгида «Қорақалпоқтранс» бирлашмасига қарашли автокорхоналарнинг бир гуруҳ ҳайдовчи ва инженер-техник ходимларига Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг «Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими» унвони, Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

1 СЕНТЯБРЬ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

- КУРТАКЛАР
- ЧОРВАДОРНИНГ КУНИ ТУҒДИ
- КЕКСАЛАР—ЖАМИЯТ КЎЗГУСИ
- *ОЛИС РАЙОНДА ҲАМ ЎЗГАРИШЛАР КЎП, АММО МУАММОЛАР ҲАМ БОР*

ҲОКИМ МИНБАРИ

МУСТАҚИЛЛИК ТАШАББУСГА ЙЎЛ ОЧАДИ

● Ўзбекистонимиз мустақил деб эълон қилинганлигининг бир йиллиги яқинлашяпти. Халқимизда озодликнинг қадрини озод бўлгандан сўра, деган нақл бор. Эрки ўзига тегиб, ҳур-озодлик шабадасидан тўйиб-тўйиб нафас олаётган халқимиз бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб меҳнат қиляпти. Ҳозир қаерга қараманг жуда катта бунёдкорлик ишларини кўрасиз. Жумладан, республикадаги энг чекка, аммо йирик районлардан бири — Фориш ҳам мустақилликка эришилган салкам бир йил мобайнида бажарилган ишлар талайгина. Мухбиримиз яқинда шу район ҳокими Эркин ҚОЗОҚОВ билан шу мавзуда суҳбатлашди.

— Эркин Нурматович, ҳозир кўпчилик ҳоким сифатида район марказини ободонлаштиришга асосий эътибор бераётганингизни эътироф этяпти. Шу пайтгача ҳатто шоҳ кўчалари хароб, бирорта тайинли ҳордиқ чиқариш жойи бормаган район маркази— Янгиқишлоқ чирой оча боқлади. Аҳоли айниқса Улуғ Ватан уруши жангоҳларида ва Афғонистондаги бемақсад тўқнашувларда ҳалок бўлган юртдошлар хотирасига ўрнатилган ажойиб ёдгорлик мажмуидан мамнун...

— Инсон ҳамиша гўзалликка, маданиятга интилиб яшайди. Гўзаллик олий маданиятлилик белгиси. Шунинг учун ҳар бир киши ўз хонадони гўзал, чиройли бўлса дейди. Зотан гўзалликка ошнолик киши руҳиятига озуқа беради. Районимиз ободончилиги менинг азалий орзуим. Ҳоким бўлиб сайланганимдан сўнг уни амалга оширишга жонжаҳдим билан киришганим сабаби шу.

Район марказидаги ишни кўчаларни кенгайтиришдан бошладик. Янги кўчалар қурдик. Баъзан эскини бузмасдан янгини тиклаш қийин бўларкан. Йиллар давомида қурилган марказий кўчадаги турли хил иншоотлар эскирган, бунинг устига кент ҳуснини бузиб турарди. Улардан айримлари баҳридан ўтишга тўғри келди. Бир километрдан узун кўча кенгайтирилиб, икки томонлама ҳаракат вужудга келтирилди. Кўча ўртаси гулзор қилиниб, уни ёритиш учун тунги чироқлар ўрнатдик.

Марказдаги маданият саройи қурилиши осон кечмади. Материалларнинг етишмаслиги туфайли ишлар бир неча марта тўхтаб қолди. Бугунги кунда бу бино кентимиз чиройига чирой қўшмоқда. Истироҳат боғи қайта таъмирланди. Болалар учун ҳар хил ўйин иншоотлари ўрнатилди. Ҳозир бу икки маскан меҳнаткашларнинг севимли дам олиш жойига айланган.

Бозор, савдо расталарини таъмирлашда халқимизнинг миллий безатиш усулларидан фойдаландик. Ана шу марказий кўчада қурилаётган чойхонада ҳам миллий безаклар ишлатилди.

Улуғ Ватан уруши жангоҳларидан қайтмаган ҳамқишлоқларимиз хотирасини абадийлаштириш масаласи кўпдан тинчлик бермай келаётганди. Шу масалада маслаҳат сўраб халққа мурожаат қилдик. Бу кўпчиликка маъқул тушиб, қурилиш учун маблағ йиғила бошланди. Ғалаба куни арафасида унинг очилиш маросими бўлди, у район аҳолиси қалбида бир умр муҳрланиб қолди десам муболаға бўлмас. Унга Форишда туғилиб ўсган, бугунги кунда жумҳуриятимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида яшаётган юзлаб ҳамқишлоқларимиз келишди. Улар оғайни-қариндошлари номи ёзилган мармар лавҳалар, Афғонистонда ҳалок бўлган жангчилар бюстлари пойига гуллар қўйдилар.

Районда бўлаётган ободончилик ишлари кўлами кун сайин ортиб бормоқда. Бундан икки йил олдин бу ерда бўлган киши ҳозирги Янгиқишлоқни таний олмай қолиши табиий. Ҳали режа ва мақсадларимиз кўп.

— Бир пайтлар район ҳудудида сел сувларини тўплайдиган ҳовузлар қурилиши режалаштирилганди. Илончисой сув омборига ҳатто 7 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланганлиги маълум. Ёз ойларида ҳатто ичимлик сув танқис бўладиган Форишда бундай сув омборлари жуда зарур. Ўша чала ишларни ниҳоясига етказиш иш режангизга киритилганми?

— Сув ободончилик ва ҳаёт манбаи. Шуни назарда тутиб Илончи сув омбори қурилиши бошланганди. Бу қурилиш анча чўзилиб кетди. Чунки сув омборини битказиш фақат бизнинг ҳаракатимизгагина боғлиқ эмас. Қурилишни тугаллаш учун юқори ташкилотларнинг ёрдамига муҳтожмиз.

Сув омбори қурилиши учун сарфланадиган 4769,06 минг сўмлик капитал маблағдан ҳозирга қадар 1756,60 минг сўмигина ўзлаштирилди. Қурилиш-монтаж ишлари ҳам шундай аҳволда. Бу йил 331,54 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши кўзда тутилган. Ҳозирги пайтда сув омборида тупроқ билан тўғон кўтариш ишлари олиб борилмоқда.

Сел-сув омборининг битказилиши кентимиз марказини обод қилишда, аҳолини мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун қурилиш ишларини жадаллаштиряпмиз.

— Фориш райони ҳудуди ҳажми жиҳатидан айрим вилоятлардан катта. Табиий бойликлари ҳам етарли. Учқулоч руда кони, неча минг гектар Форниш яйловлари эвазига сунъий тарзда ҳосил қилинган Арнасой кўлидаги бойликлар ҳам район ҳудудида. Аммо олинаётган фойдадан Фориш районн, унинг аҳолиси манфаатдорми?

— Фориш райони ўзига хос табиатига эга бўлиб, табиий бойликлари ҳам анча кўп. Район ҳудудининг катта қисмида табиий бойликларни қидириш ишлари олиб борилмоқда. Ҳозирги пайтда Учқулоқ конида кўплаб қўрғошин, рух, кумуш, кадмий ва бошқа маъданлар олиняпти. Қазув ишлари олиб борилаётган жойларда табиатга жиддий зарар келтирилмоқда. XIV асрда Абдуллахон томонидан бунёд этилган тўғон портлатиш ишлари оқибатида дарз кетиб бузилаяпти. Бироқ кондан олинаётган фойдадан маълум фоиз бўлсада районимиз иқтисодиётини, экологиясини тиклашга ишлатилмаяпти.

Кон атрофидаги қишлоқларда яшовчи аҳоли саломатлигига, экинларга, яйловларга портлатишлар натижасида кўтарилган чангтўзон салбий таъсир кўрсатмоқда. Кондан олинаётган фойда ҳисобидан ана шулар учун 10 фоиз қисмини товон сифатида район бюджетига ўтказиб турилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Сунъий равишда ҳосил қилинган Арнасой кўли районимиз халқи учун фойдадан кўра зарар бўлди. Минглаб гектар яйловларни шўр сув босди. Юқумли касаллик тарқатувчи ҳашаротлар, кемирувчилар кўпайди. Кўл районимиз ҳудудида бўлиб, 204 минг гектарни эгаллаганига қарамасдан унга бошқа ташкилотлар хўжайинлик қилади. Натижада ҳар йили минглаб тонна балиқ номаълум томонларга ташиб кетилмоқда. Кўл атрофида дам олиш уйлари рухсатсиз қуриб ташланган.

Район ҳокимиятининг қарори билан рухсатсиз қурилган дам олиш жойлари тугатилмоқда. Бироқ кўлга «хўжайин» бўлган балиқ хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмаси браконьерлар фаолиятига чек қўёлмаяпти.

Кўлга ҳар йили Октябрь, Мирзачўл районларидан оқова сувлар билан заҳарли кимёвий дорилар қуйилмоқда. Натижада балиқларнинг баъзи турлари қирилиб кетди. Шунингдек, қимматбаҳо ноёб ондатра ҳам йўқолиш арафасида. Агар кўл ва уни назорат қилиш район ихтиёрига берилса хўжасизликка, экологиянинг бузилишига чек қўйилган бўларди.

— Эркин Нурматович, неча ўн йилларидан бери давлатдан қарздор бўлиб келаётган қорақўлчилик хўжаликларининг иқтисоди аҳволи бозор шароитига ўтаётган даврда янада оғирлашиб қолмадими? Районда Президент фармонларининг бажарилиши қандай?

— Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида қорақўлчилик хўжаликларининг иқтисодий қийинчиликкга дуч келиши табиий ҳол албатта. Лекин «қаловини топса қор ёнар» деганларидек бу қийинчиликларни енгиш учун тадбиркорлик билан иш юритиш лозим. Ички имкониятлар ишга солинса, маҳсулот етиштириш кўлами камайтирилса, хўжаликлар яхши фойда кўришади. Чунки кейинги пайтда чорва маҳсулотлари, жун, гўшт, қорақўл терилларнинг харид нархлари оширилди. Ҳозирги кунда Киров номли давлат наслчилик заводи «Фориш», Ильич номли, «Қизилқум», «Туркистон» каби давлат хўжаликларимиз юқори рентабеллилик даражасига эришдилар.

Президентимиз фармонига асосан чорвадорларнинг яшаш шароитини яхшилашга алоҳида эътибор беряпмиз. Чўпонларнинг иш ҳақлари оширилди. Уй-жой қуришда уларга яқиндан ёрдам берилмоқда.

Фермер хўжаликларининг ҳам иши жонлантирилмоқда. Ҳозир район бўйича 100 дан ортиқ фермер хўжаликлари мавжуд. Кўпчилик шахсий хўжалик эгалари давлатдан пул қарз олмасдан ўз маблағлари ҳисобидан фермер хўжаликлари ташкил этишмоқда. Қатор мураккабликларга қарамасдан шахсий хўжаликларни чорва моллари маҳсулотлари билан таъминлашга ҳаракат қилаяпмиз.

— Мана икки йилдирки, районда «Ўзбек халқ ўйинлари» байрами муваффақиятли ўтказиб келинаяпти. Бундан руҳланган республикадаги йирик мутахассислар миллий ўйинлар бўйича олимпиада ўтказиш ғоясини илгари сурмоқдалар. Башарти шундай қарорга келинса, Фориш дастлабки олимпиада ташкилотчиси бўла оладими?

Районимизда уч марта миллий халқ уйинлари бўлиб ўтди. Бу ўзлигимизга қайтиш, миллий қадриятларимиз тикланишининг бир кўриниши холос. Миллий халқ ўйинларининг тикланиши халқимиз маданияти ривожига катта таъсир кўрсатди. Халқимиз миллий халқ ўйинларининг районимиз ҳудудида тикланиши ва биринчи марта кенг миқёсда кўргазмали мусобақалар ўтказилганлиги билан фахрланадилар. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро Фориш чуқур маданий тарихга эгадир. Қолаверса миллий халқ ўйинларининг тикланишида Маданият институтининг олими, ҳамюртимиз Усмон Қорабоевнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бироқ Қизилқир сайлгоҳининг имкониятлари чегараланган. Жумҳурият спорт қўмитаси қошида миллий ўйинлар олимпиадаларини ўтказиш комиссияси ташкил этилиб, олимпиадалар ўтказишга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилиши лозим. Керакли маблағ ажратилиши зарур.

Лекин шуни ҳам таъкидлаш лозимки, миллий халқ ўйинларининг бешиги Форишдир ва Олимпиададар қаерда ўтказилишидан қатъи назар, халқ ўйинларининг тикланишига Фориш халқи асос солди.

Агар халқ ўйинлари бўйича жумҳурият олимпиадаси бизнинг районда ўтказилади, деб қарор қилинса, буни форишликларга билдирилган катта ишонч деб биламан.

— Яқин келажакда амалга ошириладиган режалар ҳақида нима дейсиз?

— Форишликларни боғдонликлар ҳам дейишади. Бу бежиз айтилмаган. Ота-боболаримиз азалдан боғдорчилик билан шуғулланиб келишган. Фориш майизи қадимдан ширин-шакарлиги билан машҳур. Биз ҳам ота-боболаримиз анъаналарини давом эттирган ҳолда Фориш райони марказига кираверишда 1520 гектарлик боғ барпо қилмоқчимиз.

Мавжуд хўжаликларда ҳам узумзорлар кўпайтирилади. Районда кинотеатр ва стадион қурилиши бошланганди. Қурилиш ишларини тезлаштириб, уларни ўз эгаларига топшириш яқин кунлардаги иш режамиз. Кўчаларни ободонлаштириш ва таъмирлаш ишларини давом эттирамиз.

Кўпчилик қишлоқларимизга яқин йиллар ичида асфальт йўллар ўтказилди. Бугунги кунда Ухум, Илончи, Осмонсой, Нурак қишлоқларига автобуслар асфальт йўлларидан қатнамоқда. Яна асфальтланмасдан қолган уч-тўрт қишлоқ йўлларини ҳам асфальтлаш режалаштирилган.

Суҳбатдош:
Баҳриддин САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БУЮК КАРВОН ЙЎЛИДА

● ҚАРШИ районидаги қўриқ 8-совхоз «Партия XXIV съезди» номи билан аталарди. Яқинда чўлқуварлар талаби билан Қашқадарё вилояти ҳокимияти жамоа номини «Ипак йўли», деб ўзгартирди.

Давлат хўжалигининг ҳудуди бир неча минг йиллар аввал Буюк ипак йўли билан туташган эди. Бухоро — Қарши — Астробод орқали йўл солган карвон Ҳиндистонга ўтганлиги ҳақида илмий манбаларда ҳам ҳикоя қилинади.

Хўжалик марказида «Юсуф Сардоба» деб аталувчи сув иншооти бор. Аммо йўлларни бетартиб ўзлаштириш оқибатида бу минг йиллик тарихга эга бўлган ноёб обида кўмилиб кетган.

Йигирманчи аср ўрталарида Қашқадарё элининг оқсоқоллари Чўли Бегимқулов ва Худойберди Жалиловлар «Юсуф Сардобани» бир сидра тозалаттирган эдилар. Лекин қаровсизлик туфайли кейинчалик Сардоба яна харобага айланди. Ҳозир «Ипак йўли» давлат хўжалиги маъмурияти қадимий обидани таъмирлашдек хайрли ишга бош қўшяпти.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АМЕРИКАЛИК ИСЛОМШУНОС ТАШРИФИ

● Мовароуннаҳр мусулмонлари диний бошқармасида 20 июль куни америкалик исломшунос олим, Чикаго доирлфунунининг профессори Мустафо Абдулбосит Аҳмад билан суҳбат бўлди.

Мовароуннаҳр мусулмонлари диний бошқармасининг раиси, муфти Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф суҳбатга ташриф буюрган кишиларни меҳмон билан таништириб, унинг ислом маданияти ва динини илмий ўрганиш, чуқур таҳлил этиш борасида қилаётган меҳнатларини таъкидлади.

Мустафо Абдулбосит Аҳмад Қуръондаги башоратлар, мўъжизалар ҳаётда ўз аксини топиб келаётганини илмий асосда, мисоллар билан таҳлил қилди. Америка Қўшма Штатларида Ислом жамияти фаолият кўрсатмоқда. Турли соҳаларда иш олиб бораётган олимлар Қуръонда баён этилган мўъжизалар ўз фаолиятларида аксини топаётганини кўрмоқдалар, деди Мустафо Абдулбосит Аҳмад.

Суҳбатдан сўнг америкалик меҳмон бу ерда тўпланган уламолар, диндорларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига батафсил жавоб берди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Ҳ. М. АБДУЛЛАЕВ ЮБИЛЕЙИГА ТАЙЕРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистоннинг атоқли олими, давлат арбоби Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаевнинг катта хизматларини ҳисобга олиб ҳамда 1992 йил август ойида туғилганига 80 йил тўлиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Академик Ҳ. М. Абдуллаев таваллудининг 80 йиллиги республиканинг ижтимоий ва илмий ҳаётида йирик воқеа сифатида кенг нишонлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қ. Қорабоев бошчилигида юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий комитети тузилсин.

3. Сентябрь ойида Ҳ. М. Абдуллаев юбилейига бағишланган тантанали йиғилиш ўтказилсин.

4. Ҳ. М. Абдуллаевнинг номини абадийлаштириш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой ичида метро станцияларидан бирига ҳамда шаҳарнинг марказий кўчаларидан бирига унинг номини бериш масаласини кўриб чиқсин.

5. Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга олиб келган улкан илмий ютуқлари учун бериладиган Ҳ. М. Абдуллаев номидаги диплом ҳамда медаль таъсис этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси икки ҳафта ичида Ҳ. М. Абдуллаев номидаги медалнинг эскизини ва макетини тайёрласин ҳамда медаль билан мукофотлаш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин.

6. Тошкент давлат техника университетининг геология-қидирув факультетида Ҳ. М. Абдуллаев номидаги стипендия таъсис этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда Давлат геология ва минерал ресурслар комитети:

Ҳ. М. Абдуллаевнинг юбилейига бағишланган илмий сессия ўтказсинлар;

Ёш олимлар ўртасида Ҳ. М. Абдуллаев асарларини ўқиш кунларини ўтказишни ташкил этсинлар;

Ҳ. М. Абдуллаев ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб радио ва телевиденеда эшиттиришлар ва кўрсатувлар тайёрлашни, газета ва журналларда мақолалар нашр этишни ташкил қилсинлар.

8. Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси, Миллий ахборот агентлиги, газета ва журналлар муҳаррирлари Ҳ. М. Абдуллаев ҳаёти ва фаолиятига бағишланган тадбирларни кенг ёритсинлар.

9. Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси 30 августгача Ҳ. М. Абдуллаев ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳужжатли телефильм яратсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий масалалар, фан ва таълим мажмуи (ўртоқ М. Қ. Қорабоевга) юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри
1992 йил 20 июль

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига илова

Ҳ. М. АБДУЛЛАЕВНИНГ 80 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИГА ТАЙЕРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТАШКИЛИЙ КОМИТЕТИ

М. Қ. Қорабоев — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари (ташкилий комитет раиси)

М. С. Салоҳиддинов — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти (ташкилий комитет раисининг ўринбосари)

Т. Ш. Шоёқубов — Давлат геология ва минерал ресурслар комитетининг раиси (ташкилий комитет раисининг ўринбосари)

Ташкилий комитет аъзолари

Ғ. А. Абдураҳмонов — Давлат геология ва минерал ресурслар комитети раисининг биринчи ўринбосари

Ҳ. А. Акбаров — Фанлар академиясининг мухбир аъзоси

О. М. Акромхўжаев — Фанлар академиясининг вице-президенти

Қ. Ғ. Ғуломов — Фанлар академиясининг бош илмий котиби

Х. Р. Жўраев — Давлат кинокомпаниясининг раиси

Мурод Муҳаммад Дўст— Миллий ахборот агентлигининг бош директори

Ё. Х. Тўрақулов — Фанлар академияси Эндокринология институтининг директори

С. С. Саидқосимов — Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси

О. У. Салимов — Тошкент давлат техника университетининг ректори

А. И. Фозилбеков — Тошкент шаҳар ҳокими

Р. Ш. Шоғуломов — Давлат матбуот комитетининг раиси

Н. Р. Юсупбеков — Давлат фан ва техника комитетининг раиси

Э. Қ.Ҳайитбоев — Давлат телерадиокомпаниясининг раиси

З. А. Ҳакимов — Маданият ишлари вазири вазифасини бажарувчи

И. Ҳ. Ҳамробоев — Фанлар академияси Геология ва геофизика институтининг директори.

Журналларнинг янги сонларида «МУЛОҚОТ»

Журналнинг 7-8-сони бир бўлиб босмадан чиқди. Ҳар галгидек унинг саҳифаларидан ижтимоий-сиёсий мавзудаги мақолалар, тарихий меросимиздан намуналар, бадиий асарлар ўрин олган. Таниқли мақоланавис Раҳим Отаулиннинг «Мантиқ қани?» сарлавҳали мақоласи истиқлол ва истиқбол йўлини танлаган жумҳуриятимизда юз бераётган ҳаётий ўзгаришларга бағишланган. Муаллиф ўзи кузатган ва кўпчиликнинг эътиборига тушадиган долзарб масалаларни ўртага қўйган. Ҳасан охун Мусаевнинг журналдаги чиқиши «Мустақиллик иншоси» деб аталиб, унда Ўзбекистоннинг эркинлик йўлидаги дадил одимлари хусусида фикр билдирилган. «Кутилмаган саволлар» сарлавҳали шахсий мулоҳазаларнинг муаллифи Н. Жўраев ҳаётий чигалликлар боис юзага келган ва ечимини кутаётган муаммолар борасида муштарийлар билан ўртоқлашади.

Шарқшунос олим Абдусодиқ Ириснинг чаҳорёр ҳақидаги мақоласи ота-боболаримиз имон келтириб, эътиқод қўйган Ислом динининг машҳур арбоблари хусусида маълумот беради. «Маҳмуд Ғазнавий» сарлавҳали мақоланинг охирги қисми, ёзувчи Саид Аҳмаднинг хорижда яшовчи ватандошимиз Вали Қаюмхон ҳақидаги хотиралари ҳамда Пўлат Мўмин ва Олимжон Холдорнинг шеърлари журнал саҳифаларидан ўрин олган. «Мулоқот» дафинаси» рукнида қизиқарли мақолалар чоп этилган.

Мадамин Собиров Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида бульдозер ҳайдовчиси бўлиб ишлайди. Қачон қараманг, қўли ишдан бўшамайди. Гоҳ машина ремонтида, гоҳ ҳамкасблари орасида. Қисқаси, у билими ва тажрибаси билан жамоа қурматига сазовор бўляпти.

Суратда: М. Собиров.
Суратқаш М. БОЛТАБОЕВ.

● Қари билганни — пари билмас, деган мақолда катта маъно бор. Аслида ҳам қозонда бори чўмичга чиқиши керак. Лекин одам ҳар хил қарийди. Қариганда қуюлибди ёки суюлибди, деган гаплар бежиз айтилмаган. Айтайлик, ёшликда олинган билим, тарбия, орттирилган тажриба, яхши-ёмон ҳулқ-атвор бир умрга татигулик бўлиши мумкин. Қуш уясида кўрганини қилганидек, оиладаги муҳит, маданият ёки аксинча ноқобил хислатлар фарзандлар қонигача сингиб кетади. Шу боисдан бўлса керак, совчиликка борганлар биринчи навбатда қизнинг ота-онаси фазилатлари ёки қусурлари билан қизиқишади. Мен айтмоқчи бўлганим, қариялар орасида ҳам ўзи тарбияга муҳтож, маънавий ожиз кишилар йўқ эмас. Худди ана шулар турли майда гаплар, миш-мишлар, фисқ-фужур тарқатишади.

• *ОҚСОҚОЛЛАР КАЛОМИ*

ВИЖДОН-ИМОН ДЕГАНИ

АЗИМ Тошкентда нима кўп — чойхона кўп. Ҳар бир маҳаллада жилла бўлмаганда битта гузар бор. Албатта, бу жойларда кўпроқ фахрийларни учратиш мумкин. Бир пиёла чой баҳона — дийдор ғанимат, деган ниятдаги оқкўнгил, имонли кексаларнинг гурунгидан қалбинг завққа тўлиб кетади. Лекин оқ-қорани фарқига бормайдиган, улфат ва дунё кўрмаган бир-икки ғаламис ширин ошга тушган пашшадек ғингиллашини қўймайди.

— Нарх-наво яна ошармиш...

— Нималар ошармиш, кимдан эшитдингиз? — сўраймиз ундан.

— Ишончли одамдан.

— Доим ваҳима қиласиз. Бунинг ўрнига ёшингизга яраша босиқлик билан мулоҳаза қилсангиз бўлмайдими? — дейман унга жавобан. Ваҳолонки, бозорга ўтиш шароитида нарх-навонинг паст-баландга сакраб туриши табиий ҳол. Кечаги сессияда Ислом Каримовнинг қилган маърузасини ўқидингизми?

— Ўқимасам ҳам ўзим яхши биламан. Бу сочлар бекорга оқармаган.

— Билмасангиз билиб қўйинг. Президентимиз айтдиларки, **«Агар бозор етимеснрларнинг, қариялар ва камбағал-ночор одамларнинг кўз ёшлари эвазига қуриладиган бўлса, бунақа бозорнинг уйи куйсин»**. Бунинг маъноси шуки, ҳукуматимиз сиз ва бизни ижтимоий ҳимоя этмасдан туриб, нарх-навода катта ўзгаришлар қилмайди. Гапнинг нафсиламбрини айтганда, Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи бошқа республикалардагига нисбатан энг арзон. Худо хоҳласа, бир неча йилдан кейин мамлакатимиз дунёда энг бой давлатлардан бири бўлиб қолади. Бунга асос қилиб Исломжон ўғлимиз бошлиқ раҳбариятнинг она-юрти ва халқи учун жон куйдираётганини кўрсатиш мумкин. Ҳозирги камчилигимиз — ҳаммамиз бир тан, бир жон бўлиб, баравар жон куйдириб ишламаяпмиз, шу сабаб, асосий мақсад йўлидан тез қадам ташлолмаяпмиз.

Ҳамсуҳбатимиз чойхонани тарк этишга мажбур бўлди. Унга ўхшаганлар ҳамма жойда бир-иккита бўлса ҳам бор. Бизнинг айбимиз, уларга қарши асосли зарба бермаймиз. Баъзан сиёсий, иқтисодий, баъзан эса илмий онгимиз етишмайди. Шу муносабат билан И. Каримовнинг миллий онгни ўстириш лозимлиги хусусидаги фикрига тўла қўшиламан.

Мен ўзим ҳалол меҳнатдан рўшнолик кўрдим. Беш нафар қизимни узатдим, бир ўғлимни уйладим. Отам раҳматли доим дуо қилганидек, ували-жували бўлдим. Фарзандларим роҳатини кўряпман. Ниятим — кўча-кўйдами, гузарда ёки тўйлардами — адолатли маслаҳатим билан ёшлар дилига бор ҳақиқатни сингдириш. Аҳиллик, тотувликка чорлаш. Чунки аҳиллик бор жойда — барака бор, қут бор. Тотувлик бор жойда — иш бор, натижа бор. Президентимизнинг ҳам эзгу нияти шу. Зотан, аҳиллик, тотувлик ва осойишталикка асосланган ички ва ташқи сиёсат туфайлигина Ўзбекистон ўз қадр-қимматини асрай билди. Осиё ва Оврўпонинг илғор мамлакатларига йўл очилди. Кейинги йиллар учун республика аҳолисини истеъмол моллари билан узлуксиз таъминлаш масаласи ҳал қилинди. Мен, айниқса, маърузадаги **«Бугун хато қилсак — келажак авлод қоқилади. Буни ҳисобга олмаслик — катта гуноҳ»** деган сўзларни чин дилдан қувватлайман. Ваҳолонки, бугун яшаб, ишлаб туриб, ундан хулоса чиқармаслик ёки эртани ўйламаслик нафақат гуноҳ, балки жиноят ҳамдир.

Биз, кексалар том маънода жамият кўзгуларимиз. Кексаларсиз тўй очилмайди, аза тарқамайди. Уларсиз сафарга отланилмайди, ерга дон сочилмайди. Биз ўз ёшимиз, тажрибамиз, ақлимиз ва табарруклигимиз билан катта кучмиз. Агар шу куч, ғайрат ва билимимизни виждон билан мустақил Ўзбекистонимиз равнақи учун сарфлай билсак, авлодларимиз миннатдор бўлур эдилар. Зотан, виждон дегани, бу —имон, демакдир.

Аҳмад ХУЖАЕВ,
меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри.

ХИЁНАТ

ЁКИ «ЎЗБЕКЛАР ИШИ»НИНГ БОШ ҲОМИЙСИ ҲАҚИДА

ТАРИХНИНГ СЎНГГИ етмиш йилида заҳматкаш халқимиз оғир кунларни бошидан кечирди, мустамлакачилик зулми остида ўзининг бой маданий меросини сақлаб қолиш, она тилини йўқотмаслик йўлида мислсиз қурбонлар берилди. Ана шу заминда дунёга келган маданият санъат арбоблари, давлат раҳбарларининг аксарияти Ўзбекистоннинг миллий давлат бўлиб таркиб топишида ўз халқига фидойи бўлдилар, мозийда сўнмас из қолдирдилар. Лекин худди шу етмиш йиллик зиддиятлардан иборат даврда жумҳуриятни бошқарган арбобларнинг ҳаммаси ҳам халқимиз ишончини оқлаб, ўз юртининг асл фарзандлари деган шарафли номга муяссар бўлишди, деб бўлмайди. Уларнинг баъзилари ўз инсоний фазилатлари пастлиги, миллий ғурури йўқлиги, мансабпарастлиги, худбинлиги, айш-ишратга берилганлиги оқибатида мустамлакачилар қўлида қўғирчоқ бўлди, айримлари эса шуҳратпарастлиги, калтабинлиги, қўрқоқлиги туфайли ўз элига чексиз иснод келтирди.

Бу ерда гап халқимиз шаънига доғ туширган, Ўзбекистонга ва унинг халқи манфаатларига хиёнат қилган Рафиқ Нишонов ва унинг ҳомийлари устида бораётир. Бу «зот» жумҳурият тепасида турган даврда халқимизга мислсиз моддий ва маънавий зарар етказилдики, улар ҳанузгача афсуски, кўпчиликка маълум эмас.

Бизда ўтган ишга—саловат, деган нақл бор. Лекин, халқимиз Рафиқ Нишонов Фарғона, Бўка, Паркентда бўлиб ўтган нохуш ва қонли воқеалар учун, унинг Гдлян ва Ивановлар билан тил бириктириб, атайин ўйлаб топилган «ўзбеклар иши», «пахта иши» учун қонун олдида жавоб бериши талабини қўяётганлиги тасодифий ҳодиса эмас.

Босқинчилик, зўравонликка асосланган собиқ мафкуранинг мунофиқ тарғиботчилари оқни қора, хаёлига келган бебурд афсоналарни ҳақиқат деб билиб, Ўзбекистонни гўё мафия босиб кетган, эсини таниган боладан тортиб, то етмиш яшар қариягача ўғри, муттаҳам ва фирибгар, деб бутун дунёга жар солдилар.

Мана шундай ғайриқонуний, умуминсоний қадриятлардан нарида бўлган сиёсатни қарам жумҳуриятларда зўрлаб тарқатиш учун, яъни собиқ КПСС Марказий Комитети ўзининг ғаразли манфаатларини амалга ошириш, мамлакатда юзага келган ижтимоий масалалардан халқларни чалғитиш йўлида ҳар хил ғийла-найранглларни ишга солганлиги ҳаммага маълум. Шу тариқа «ўзбеклар иши», «пахта иши» собиқ марказда ғаразли мақсадлар учун атайин ўйлаб топилган эди. Бу машъум ишда марказчиларга лаганбардор, иккиюзламачи, итоатгўй, шахсий манфаати йўлида ҳар қандай йўлдан қайтмайдиган раҳбар керак бўлиб қолган эди. Ана шундай одам ҳам бор эди. Бу шахс ўз вазифасини уддалай олмаганлиги ва аҳлоқий бузуқлиги учун мажбуран бошқа ишга ўтказилган, бир ёқлама устамон Рафиқ Нишонов бўлиб чиқди. У тез орада марказдаги юқори мартабали шахслар ҳомийлигида ва уларнинг бевосита иштирокида республика Ташқи ишлар министри этиб тайинланди.

Келинг, далил-исботларга мурожаат қилайлик. Собиқ КПСС Марказий Комитети ва СССР ҳукумати Ш. Рашидовнинг номини абадийлаштириш тўғрисидаги қарорини бекор қилишга оид ҳужжат олинганлиги мўносабати билан 1986 йил июнь ойида вазирликлар, идоралар, раҳбарлар, аппарат ходимлари тўпланишди. Министрлар Советининг Раиси Ғ. Қодиров мазкур қарорни ўқиб эшиттирди. Сўнгра сўзга чиқувчилар борми, деб сўралганида залда ўтирган 700 га яқин киши ичида биргина шахс қўл кўтарди. Бу — Рафиқ Нишонов бўлиб, у шундай деган эди: **«Шароф Рашидовчилик» фитначилик ва таҳқирликнинг, мунофиқлик ва товламачиликнинг, виждонсизлик ва порахўрлик, мақтанчоқликнинг, зўрлаб мукофот олишнинг синоними бўлиб қолди. Ш. Рашидовнинг иши билан сўзи бир-бирига тўғри келмасди. У одамнинг дилида нима борлигини билиб бўлмасди, унинг ўйи бошқа-ю, иши бошқа эди.** (Нақотки, йиғилиш иштирокчиларидан ҳеч ким Нишоновга эътироз билдириб, хўш Рашидовнинг дилини билмай туриб, унинг ўйи ва иши бошқа эканлигини қаёқдан била қолди, шунча вақт бирга ишлаб уни англай олмаган бўлса, демади. Ахир, бу фикр билан Нишонов ўзини ўзи инкор қилиб турибдику! Бу марҳум шаънига зўрма-зўраки балчиқ суришнинг ўзи-ку!). **У маккор ва хавфли шахс бўлган эди».** Рафиқ Нишонов сўзларини тўпланганларнинг бирортаси ҳам қўллаб-қувватламагани учун у бироз саросимага тушиб қолган эди.

ЎЗИНИНГ УЙДИРМА фикрлари ўтирганларнинг бирортасига ҳам маъқул тушмаганлиги, аксинча уларда изтироб ва ғазаб уйғонганлигини англаган Нишонов залдан чиқиб, кўздан ғойиб бўлди. Унинг ўша пайтда нимани назарда тутгани эндиликда кўпчиликка маълум. Республика раҳбарияти таркибини зудлик билан ўзгартириш, ўша даврда ишлаб турган мустақил фикр юритувчи етук кадрларнинг ҳаммасини алмаштириш ёки йўқотиш, халқ хўжалигини бошқариш тизимини ўзгартириш йўли билан Ўзбекистонда якка ҳокимликни қўлга киритишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

Тез орада Нишонов марказдаги ҳомийлари ёрдамида тузиб чиқилган шахсий манфаатига мос режаларига ўтишга бошлайди. Натижада 1986 йилнинг охирида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси этиб сайланди. Республикада обрўсини йўқотган Нишоновнинг қайта тикланиши, унинг ана шундай олий лавозимга кўтарилиши марказнинг Ўзбекистонга навбатдаги юриши ва «десантчилар» билан чамбарчас боғлиқлиги эндиликда кишини ҳайранлантиролмайди. Унинг 1988 йилдан бошлаб собиқ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлаган давридаги бутун фаолияти, маърузалари, газеталарда босилган нутқлари, суҳбатлари асосан «Шароф Рашидовчилик», «пахта иши», қўшиб ёзишлар, кадрларни алмаштириш билан боғлиқ бўлган. Халқнинг оғир аҳволи, заҳматкаш деҳқоннинг косасини оқартиш масалалари уни мутлақо қизиқтирмаган.

Йигирма миллион кишининг тақдири шахсий фикрга эга бўлмаган, бошқарувда лаёқатсиз, беприципп, мунофиқона иш юритадиган «сиёсий» раҳбар — Нишонов қўлига бериб қўйилганди. Анишчев, Огарок, Берков, Сатин, Романовский, Нестеренко, Бутурлин, Усатов, Дидоренко, Гайданов, Литвиненко, Клепиков, Саликов, Гдлян, Ивановлар республикада қандай қора ишларни амалга оширган бўлса, уларнинг бирортаси ҳам Нишоновнинг бевосита раҳбарлигисиз ёки амалий ёрдамисиз бажарилмаган. Зеро, Рафиқ Нишонов Ўзбекистонни бутун дунёга шармандаю-шармисор қилган ана шу «десантчилар»нинг шериги эдида.

Бу ҳақда унинг ўзи «Аргументи и факти» газетаси мухбири саволларига берган жавобида (1988 йил сентябрь. №38) фахрланиб гапирган ва иқрор бўлганди. Мана, унинг мағрурона сўзлари: **«...Республикада жамият ҳаётининг барча жабҳаларини соғломлаштириш учун турғунлик даври меросига қарши қаттиқ, оғир кураш кетмоқда. КПСС Марказий Комитети кейинги тўрт йилда Ўзбекистонга юзлаб тажрибали кадрларни юборди... Аввало республикага шундай кўламли ёрдам кейинги 30 йил мобайнида биринчи марта амалга оширилганини таъкидламоқчиман. Янги ходимларнинг келиши бизнинг чинакам бахтимиз бўлди... Республикада сўнгги тўрт йил ичида 58 минг масъул ходим вазифасидан бўшатилди. Мен ўзим шахсан Тельман Хоренович Гдлян группасининг ишини ғоятда ижобий баҳолайман. Биз СССР Прокуратурасининг ходимлари билан қўлни-қўлга бериб иш олиб бормоқдамиз. Улар республикада адолат ўрнатиш, Рашидов атрофидаги яқин одамларни жавобгарликка тортишда жон қуйдириб ишламоқдалар. Кескин кураш кетмоқда. Шуни рўй-рост айтишим керакки, Гдлян гуруҳи республика партия органлари томонидан қаттиқ қўллаб-қувватланмаганида ва ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмаганида эди, улар бу қадар самарали ишлай олмасдилар, албатта...»**

Нишонов кўкларга кўтариб мақтаган ва ишонган марказчилар кимлар ва улар қандай кароматлар кўрсатгани, жумҳуриятни жар ёқасига олиб бориб қўйганини бугун бутун дунё билади. **Огарок Ўзбекистон Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари лавозимини эгаллаши биланоқ Россия, Украина, Белоруссиядан ўзининг таниш-билишлари, ошна-оғайниларини Ўзбекистонга мартабали вазифаларга бирин-кетин чақирганидан биринчи котиб хабардор эди. Катта республиканинг катта министри бўлиб олган Литвиненко савдода тартиб ўрнатиш ўрнига енгил машиналар, қимматбаҳо буюмларни ўзича тақсимлаш билан шуғулланганини ва кўп ўтмай, яъни саккиз ойдан кейин халқ мулкини талон-торож қилгани ва хизмат вазифасини суиистъмол этгани учун у ишдан ҳайдалганини наҳотки Нишонов билмаган бўлса?! Республика тепасига чиқиб олган Анишчев ёрдамида юқори лавозимларни эгаллаган Романовский, Клепиков, Малолетов, Баруллин, Балала, Бутурлин каби шахслар имон-эътиқоди тоза эмаслиги, улар бойлик орттиришга, нима қилиб бўлсада обрў-эътибор қозонишга зўр берганликлари, маиший бузуқликка йўл қўйганликларини билмаган бўлса!** Бу ерда биргина ҳодиса — Нишонов бошлиқ Анишчев, Огарок, Берков, Саликов, Бутурлин, Усатов, Гайданов, Дидоренко, Романовский, Нестеренко, Сатинлар республикани идора қилиб турган даврда содир бўлган Фарғона, Қўқон, Бўка, Паркент воқеаларини эслатиб ўтишнинг ўзи кифоя. Ўша кезда Нишоновнинг катта-кичик минбарларда туриб, асоссиз керилишига нима сабаб бўлгани унинг виждонига ҳавола.

РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ташкилотининг собиқ биринчи котиби учун ўша даврда «шон-шараф, бахт» нимадан иборат бўлганини унинг ўзи эътироф этганини мана энди ҳамма кўриб турибди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қўллаб-қувватламаганида ва ҳар томонлама ёрдам берилмаганида, Анишчев, Огарок, Гайданов, Дидоренколар, Гдлян одамлари бу қадар «самарали» ишлай олмаслигини Нишоновнинг тан олиши ҳам жумҳурият халқи олдида ўз-ўзига ўқилган ҳукм эмасми? Афтидан, Нишонов шундай ёруғ кунлар келишини, вазиятнинг ижобий томонга юз тутиши ва ниҳоят, адолат қарор топишига ишонмай калтабинлик қилганми?

Эндиликда бу аччиқ ҳақиқат муносиб баҳоланиши келгиндиларнинг шу қадар ҳаддидан ошиб кетгани ва уларнинг бебошликлари, «қўлни-қўлга бериб ишлаганлар» билан тергов органлари шуғулланиши шарт, деган қонуний талаблар қўйилмоқда.

Дарвоқе, ўзбек халқининг миллий ғурурини оёқ ости қилиш, республиканинг ҳамиша алданиб келганини англай бошлаган миллий кадрларга зимдан зарба бериш йўли билан путури кетаётган марказ обрўсини тиклаш, чириб бораётган мустамлакачилик умрини узайтиришга қаратилган «ўзбеклар иши», «пахта иши»да Р. Нишоновнинг фаол иштирок қилганлиги ачинарли ва кечириб бўлмайдиган ҳодисадир.

Ўша даврда зўравонлик оқибатида республикадаги маънавий-сиёсий ҳаётга катта зарар етказилди. Ашаддий қонунсизлик, тенгсизлик юз берди. Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Тошкент вилоятларида, Қорақалпоғистонда ҳақиқатан ҳам фожиа юз берган эди. Мана шу вилоятларнинг ҳамма колхоз ва совхозларида, ғахта пунктлари ва пахта тозалаш корхоналарида, вилоят идоралари ва ташкилотларида ёппасига тафтиш-тинтув ишлари олиб борилган, неча ўнлаб, юзлаб мутахассислар юқоридан келган, аниқроғи, КПСС Марказий Комитети кўрсатмасига мувофиқ Ўзбекистон партия Марказий Комитетига юборилган текширувчиларга малайлик қилиш билан банд бўлган. Бундай топшириқни бажаришга асосан Марказдан келган мартабали шахслар, гдлянчилар ва Нишоновнинг шахсий кўрсатмасини бажараётган маҳаллий партия ва маъмурий органларнинг ходимлари жалб этилганди. Бунинг оқибатида одамларнинг бутун фикри-хаёлини эртанги кун ташвиши чулғаб олган ва шу тариқа кўпчиликни ваҳима босган эди.

Бухоро вилоятидан бир вақтнинг ўзида район партия комитети котибларининг ҳаммаси, район ижроия комитети раисларининг 70 фоизи, вилоят колхоз ва совхоз раҳбарларининг 50 фоизга яқини қамалганди. Олот районида 11 хўжалик бўлиб, бу хўжалик раҳбарларининг ҳаммаси ҳибсга олинди. Текширишда мана шу раҳбарлар жуда қашшоқ яшаётгани, уйларида атиги бир бош сигири бўлганлиги, уларда шолчадан бошқа ҳеч вақо йўқлиги маълум бўлди. Ҳўлу-қуруқ баравар ёнган бир пайтда жумҳуриятнинг собиқ раҳбари Р. Нишонов: **«58 минг масъул ходим вазифасидан бўшатилди.»**, деб мақтанган эди. Ўша кунларда асоссиз хўрланишларга дош бера олмай, ҳаётдан кўз юмганлар ҳам оз эмасди.

Лекин, ўша йилларда кўпчилик эртами-кечми шундай кун келишига, адолат қарор топишига ишонганди. Халқимиз содир бўлган воқеалар сабабларини аниқлаб, саволларга рўй-рост жавоб берилишини талаб этган эди. Асоссиз айбномалар, фашистларча тергов усуллари, адолатсиз ҳукмлардан азоб чеккан минглаб кишилар юқори совет ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига арз-шикоят билан мурожаат этдилар. Ўнлаб, юзлаб кишилар, қанчадан-қанча қишлоқ аҳллари Тошкентга бетўхтов қатнадилар. Қизил империя марказидаги Москва йўлида сарсон-саргардон бўлишди. Тергов уқубатларидан азоб чеккан, туҳмат балосига учраган мансабдор шахслар, оддий кишилар мартабали партия идоралари олдида ойлаб адолат истаб, интизор бўлдилар.

Мана шундай халқ тақдири поймол этилган, унинг қадр-қиммати оёқ ости қилинган 1986—1989 йилларда адолатни юзага чиқариш, жабр-зулм чекканларга мадад бериш ўрнига Нишонов каби раҳбарлар ҳомийлигида халқимиз бошига шу қадар кўп бўҳтонлар ёғдирилдики, етмиш йил ичида ҳеч бир жумҳуриятга нисбатан бундай қилинмаган эди. Бу ерда гап собиқ Марказий ахборот воситаларининг республикага қилган мафкуравий хуружи устида бораётир.

Дарҳақиқат, Нишонов собиқ республика партия ташкилотига раҳбарликни ўз қўлига олгандан сўнг Марказий газеталар, журналлар, телевидениеда деярли ҳар куни Ўзбекистонни бадном қилувчи мақолалар чоп этилди. Бу қора ишда собиқ КПСС Марказий Комитетининг бош нашри бўлган «Правда» газетаси раҳнамолик қилган. Унда республиканинг собиқ раҳбарияти Н. Худойбердиев, Е. Айтмуротов, Т. Осетров, ва бошқалар тўғрисида кетма-кет шармандали чиқишлар уюштирилди.

Марказий ахборот воситалари, хусусан «Правда» ҳибсга олинганларнинг қариндош-уруғларига нисбатан жабр-зулмни ижобий баҳолаб, гдлянчиларни мақтаб ёзган ва нуқул иғводан иборат мақолалари ўша пайтнинг ўзидаёқ халқнинг ғазабини қўзғатган эди. Эндиликда бу иғволар, раҳбар ходимлар ҳақида ҳораловчи материаллар Нишоновнинг бевосита кўрсатмаси асосида ташкил этилганига ҳеч кимда шубҳа қолмади. Зотан, Нишонов 1988 йилда республика Олий Советининг сессияларида, Марказий Комитет бюроларида ўзига ёқмаган масъул ходимлар тўғрисида маърузалар қилган, уларни ишдан четлатиш юзасидан таклифлар киритган ва кейинчалик ана шу бахти қаро шахслар ҳақида матбуотда танқидий мақолалар бердиртириб, атайин шарманда қилдирган.

КЕЗИ КЕЛГАНДА шуни айтиш лозимки, «Правда» орқали ўша даврда ўзбек халқи шаънига отилган туҳмат тошлари аввало, Нишонов бошлиқ партия Марказий Комитетида тўпланганлиги ва бу ерда «бўҳтонлар сценарийси» ёзилганлигини исботловчи далиллар кўп. Жумладан, **«Кўз ойнакли илон тагидаги олтин», «Ўзбошимчалик», «Колонна», «Тасодифий президент», «Хўп, хўп сероб, иш эса,...», «Лавозимига қараб имтиёз» каби «Правда»да чоп этилган уйдирмаларнинг ҳаммаси тазйиқ билан «Правда Востока» ва «Совет Ўзбекистони» газеталарида кўчириб босилиб, республикага тарқатилган ва бу нарса Марказий Комитетнинг биринчи котиби рухсати билан шундай қилинганлигига ҳеч ким, ҳеч қачон шубҳа қилмаган.**

Жамиятнинг олий қонун чиқарувчи, юқори ижрочи ва фармойиш, олий суд органларини ўзида мужассамлаштирган партия Марказий Комитетининг биринчи котибидек юқорилавозимни эгаллагандан кейин Нишонов ҳеч кимни назар-писанд қилмай қўйган, асосан Марказ кўрсатмаларини бажарган, нуфузли минбардан туриб «шунча масъул ходимни ишдан олдик, шунчасини қамадик», деб мақтанчоқлик қиларди.

Нишонов биринчи котиб бўлиб олгандан сўнг кўп ўтмай, яъни 1988 йил 30 январдаги Марказком Пленумида ҳеч қандай далил-исботсиз шундай деган эди: **«...1978-1983 йилларда республикада 4,5 миллион тонна пахта қўшиб ёзилган, унинг ҳисобига давлат ҳазинасидан 4 миллиард сўм ўғирлаб олинган. Бу йирик талон-тарож ва қонунсизлик учун манба бўлиб хизмат қилган. Ана шу манбадан «тилла устидаги илонлар» каби ўта фирибгар жиноятчилар фойдаланганки, бу ҳақда яқинда газеталар ҳаққоний равишда ёзган эдилар...».**

Бугун терговчилар томонидан мусодара этилган пул маблағлари, моддий бойликларнинг келиб чиқиш манбалари мутлақо тасдиқланмаганлигини била туриб, воқеалар сохталаштирилганлиги учун, ўша ўзи айтган тўрт миллиард сўмнинг қанчаси талон-торож қилинганлиги ва ўзлаштирилганлиги ўз тасдиғини топмагани учун Нишонов суд олдида жавоб беришга лойиқ эмасми? Ахир, гап миллионлар эмас, миллиардлар устида боряптику!

Саркотиб маърузасида асосан ўзига мақбул бўлмаган раҳбар ходимлар, министрликлар, идоралар ва ташкилот раҳбарларини танқид қилиш, тирноқ остидан кир қидиришдан нарига ўтмаган. Нишонов қўшиб ёзиш фақат Ўзбекистонда содир бўлмаганини, бу тузумга теккан ва бизга Марказдан юққан касал эканини яхши билса-да, аммо ҳақиқатни ҳеч қачон ошкор қилмай, фақат ғаразли гапларни тарқатишни ўзига одат қилиб олганди. Яхшидан от қолади, ёмондан дод қолади, дейишади. Холисанилилло айтсак, Нишоновнинг республикада бирон бир хайрли ишни амалга оширганини, халқи учун бунёдкорлик қилганини ҳеч ким эслай олмайди.

Кузатишлар шуни кўрсатдики, Рафиқ Нишонов ҳокимият тепасида турган даврда республикада оммавий суратда кадрлар ишдан ҳайдалган, юзлаб ва минглаб бегуноҳ кишилар Москва, Сибирь қамоқхоналарига тиқиб қўйилгани бор гап. 1988 йилнинг ўзида Нишонов имзоси билан тузилган рўйхат асосида Республиканинг собиқ раҳбарияти — республика Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Раёсатининг Раиси О. У. Салимов, Фарғона вилоят партия комитетининг биринчи котиби Ҳ. Умаров ва бошқа юзлаб ҳалол масъул ходимлар партиядан ўчирилиб, қамоқ жазосига ҳукм этилган. Бугунги кунда адолат тантана қилиб, уларнинг ҳаммаси озодликка чиқарилганлиги ва аксарияти оқланганлигини ҳаммамиз биламиз.

Нишонов жумҳуриятни бошқарган кезда ўзбошимчалик, қонунсизлик шу қадар кучайиб кетган эдики, Марказий Комитетнинг навбатдаги бюроси тугаши биланоқ, гдлянчилар гуруҳи депутатлик дахлсизлигини қўпол равишда бузиб вилоят партия комитетларининг биринчи котиблари И. Жабборов, Н. Ражабов ҳамда О. У. Салимовнинг қўлига кишан солишган. Бу масъул ходимларни қамоққа олиш тўғрисидаги Олий Совет Президиумининг тегишли қарорлари олдинги саналар билан ғайриқонуний, сохта расмийлаштириб қўйилганди.

1988 йилда Нишонов кўрсатмасига мувофиқ В. Огарок раҳбарлигида ишлаб чиқилган халқ хўжалигини бошқаришнинг «бош схемаси» туфайли республикага етказилган миллион-миллион иқтисодий зарар тўғрисида кези келганда айтиб ўтиш лозим. Ўша йилнинг бошида Нишонов «бош схема» деб аталмиш қиёмига етмаган ҳужжатга имзо чеккан ва уни тасдиқлаш учун Москвага жўнатган. Бу ясама режа ҳеч қандай илмий ва амалий негизга асосланмаганлиги боис Сирдарё ва Жиззах вилоятлари қўшиб юборилди. Навоий вилояти ва йигирма район, бир неча моддий бойликлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи министрликлар ва идоралар тугатилди. Шу тариқа халқ хўжалигини бошқаришнинг асосий мезонлари — моддий ишлаб чиқаришга раҳбарлик ва уни бошқариш республика ихтиёридан олиниб, собиқ Иттифоқ органларига бериб қўйилди. Бундан ташқари Фарғона водийсидаги вилоятлар тугатилиб, битта вилоятга бирлаштирилиши, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари ҳам қўшилиши режалаштирилганди. Ҳозир ўша тугатилган вилоятлар ва районлар қайта тикланди. Ана шу машъум мўлжалда назарда тутилган ғайриқонуний ва зарарли тадбирларнинг ҳаммаси амалга оширилган тақдирда бизда келгусида кутилмаган фавқулодда ҳодисалар юз беришини республикадаги соғлом кучлар ўз вақтида англашиб ва унинг олдини олишга муваффақ бўлганини алоҳида таъкидлаш даркор. Аммо, халқ хўжалигига етказилган жуда катта моддий зарар учун ҳанузгача, ҳеч ким, ҳеч қандай жавобгарликка тортилмаганлиги тоқат қилиб бўлмайдиган ҳодисадир.

МИЛЛИЙ РУҲИЯТИМИЗГА зарба бериш, асрлар бўйи иноқ бўлиб яшаб келган Ўрта Осиё халқлари ўртасида нифоқ чиқаришга қаратилган пинҳоний ва ошкора хатти-ҳаракатларга ўз вақтида зарба берилмади. Нишонов фожиали Фарғона воқеаси бор-йўғи «бозордаги қулупнай ғалваси»дан келиб чиққан, деб бутун дунёни ишонтиришга уринди. «Известия» газетасига берган интервьюсида Абу Али ибн Сино Осиё халқларининг буюк сиймоси эмас, балки фақат тожик миллатига мансуб, деб сохта гап тарқатди. Бу «зот» собиқ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мафкура бўйича котиби бўлиб ишлаган даврда зиёлиларнинг бемалол, эмин-эркин нафас олишига имкон бермасликка ҳаракат қилган. Чунончи, Нишонов Чўлпонни тирилтиришга, Бобур номини тиклашга уринаётган зиёлилар «мафкуравий қўпориш» қилмоқдалар деб, адолатни қарор топтириш йўлига киришаётган маданият ва санъат арбобларини ҳукмрон сиёсат доирасида «тартибга чақирган» ва уларни таҳлика остига олган эди. Амир Темурнинг буюклигини тан олиб, унинг номини рўёбга чиқармоқчи бўлган Ш. Рашидовга қарши узоқ вақт кураш олиб борганман, деб «Союз» газетасининг 1990 йил 1 январь сонида босилган суҳбатида айтиб ўтган эди.

Нишоновнинг маънавий қиёфаси ҳақида фарғоналик депутатлар ҳам бир вақтлар эслатиб ўтишганди. Лекин бу «зот»нинг 60-йиллар охирида партия Марказий Комитетининг мафкуравий котиби бўлиб ишлаб турганда бузуқ маънавий ҳаёти, ўлим тўшагида ётган турмуш ўртоғи кўз ўнгида ўзганинг хушкомат ва гўзал хотини билан очиқдан-очиқ маишат қилганини, ана шу аёлнинг эри бўлмиш милиция полковниги аламига чидай олмай ўлиб кетганини кўпчилик, айниқса ёшлар билишмайди, албатта. Шароф Рашидов партия Марказий Комитетининг обрўйини тўкмаслик, ўлиб кетган хотинининг қариндош-уруғлари ғазабидан асраш мақсадида Нишоновни хорижий мамлакатларга дипломатия ишига жўнатиб юборган эди. Ўша кезда ҳам Рафиқ Нишонов «қийин вазиятдан» устомонлик билан чиқиб кетишга улгурди. Шубҳасизки, бу шахс яхшиликка ҳам мунофиқона жавоб қилганига бугун гувоҳ бўлиб турибмиз.

1989 йилнинг биринчи ярмидаёқ халқ депутатлари, соф виждонли кишилар, республиканинг соғлом кучлари Гдлян одамларининг ғайриқонуний кирдикорлари, энг содда ҳалол шахсларни лақиллатишларига чек қўйиш, уларнинг ўзларини жавобгарликка тортиш тўғрисида ҳақли талаблар қўя бошладилар. Энди Гдлян тўқиб чиқарган афсоналарнинг миси чиқиб, у «ўзбеклар иши»ни тергов қилишдан 1989 йил май ойида умуман четлаштирилган эди. Бу ҳол Нишоновни қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Охир-оқибатда ўз қилмишлари ошкор бўлишини у аниқ сеза бошлаганди. Кўп ўтмай, яна Москвадаги ҳомийлари мадади билан собиқ СССР Олий Совети Миллатлар палатасига раис бўлиб олди. Ана шундан сўнг ҳам Нишонов ғаразли мақсадларидан тоймади. Партия ва Олий Кенгашда катта имкониятларга эга бўла туриб, ундан фойдаланмай, ўз халқи, ноҳақ хўрланган минглаб маҳаллий кадрлар манфаатини ҳимоя қилишдан бош тортди. Кўп бор биз уни нуфузли йиғилиш раёсатларида қотиб, бамисоли ҳайкал сингари ўтирганига гувоҳ бўлардигу, аммо ўз халқи учун жон куйдириб сўзлаганини эслай олмаймиз.

БУГУНГИ КУНДА ўзбек халқи Рафиқ Нишоновнинг гўё қулоғи кар, кўзи кўр бўлиб қолганидан ҳайратга тушишмоқда. Ахир, уни эъзозлаган халқ бошига тушган кулфатлар бевосита унинг иштирокида рўй бергандику! Қанчадан-қанча ўз ишини пухта биладиган, келажак учун жон куйдираётган масъул ходимларнинг ҳибсга олиниши ва уларнинг асоссиз туҳмат билан таҳқирланиши, оила аъзолари, қариндош-уруғлари бекордан-бекор тазйиққа учрашини унутиб бўладими? Икки бор Гдлян бошлиқ гуруҳнинг Ўзбекистондаги ёвуз хатти-ҳаракати Олий Кенгашда муҳокама этилган чоғда ва собиқ Иттифоқ бош прокурори ҳамда собиқ КГБ раҳбарлари «ўзбеклар иши», «пахта иши» тўқиб чиқарилган эди, деб тан олиб туришганда ҳам Нишонов лом-мим демади. Бамисоли, бу юмушларга унинг дахли йўқдек, бепарво турди. Наҳотки, бундан унинг виждони қийналмаётган бўлса? Ахир, унда заррача имон ва эътиқод бўлганда ўз халқига қалқон бўлиб, бутун ғанимларнинг кирдикорларини очиб ташламасмиди?! Қотил ва бадбахт Гдлян билан ўрталаридаги самимий муносабатни бузишга иродаси бўшлик қилганини қандай баҳолаш мумкин? Билмадик, у бу хатти-ҳаракати билан яна қандай ғаразли мақсадларни назарда тутди. Наҳотки, у айрим нопок шахслар каби қулай онлар келишини, замона яна бир айланиб, уларнинг хоҳиш-истаклари рўёбга чиқадиган дорулмон фурсат намоён бўлишини интизорлик билан кутаётган бўлса?

Афсуски, Нишонов юксак мансабларни эгаллаган чоғида ҳам, шунингдек ҳозирда нафақа пули олиб, қарилик ғаштини сураётган бир пайтда ҳам ғаламислик қилишни давом эттирмоқда. Ўзбекистоннинг мустақиллик йўлида ташлаётган дадил қадамларини, бу ерда юз бераётган ижобий ўзгаришларни рақиблик нуқтаи назаридан баҳолашга уриниб, бизнинг танлаган йўлимиз маъқул тушмаётгани боис ҳар хил сиёсий кучларга, ташқарида ва ичкаридан олиб борилаётган мафкуравий қўпоришларга раҳнамолик қилиб турибди.

«Аргументи и факти» газетасининг шу йил 15 апрель сонидаги «Тошкент «нон» шаҳри бўладими», «Известия»нинг 24-25 июнь сонларида эълон қилинган «Москвасиз Урта Осиё», «Комсомольская правда»нинг 11 июль сонида босилган «Каримов инсон ҳуқуқлари учун Москва ва Бокуда кураш олиб бораяпти», «...оппозиция эса инсон ҳуқуқларини Тошкентда қўлга киритиш учун курашмоқда» деган ғаразли ва ўта бўҳтонли мақолалар, БМТ аъзоси бўлган мустақил давлатнинг ички ишларига аралашиш, унинг мавжуд сиёсий тузумига путур етказишга қаратилгани шундан далолат бериб турибди.

Бугунги кунда Нишонов ва унинг маслакдошлари томонидан «ўзбеклар иши», «пахта иши» деб аталмиш «дастурий ўзгаришлар қўлланмаси» оқибатида Ўзбекистон республикасига, унинг халқига катта маънавий ва моддий зарар етказилганини ҳеч ким ва ҳеч қачон инкор эта олмайди. Нишонов ва унинг марказдан ташриф буюрган сафдошлари Гдлян, Иванов ҳамда уларнинг фаол ҳомийлари Ўзбекистон Конституциясига биноан Республикага чақирилиши ва улар қонун олдида жавоб беришга мажбурдирлар. Чунки, улар содир қилган оғир жиноятлар республика ҳудудида рўй берганлиги ҳаммага маълум.

Шундай қилиб, жумҳуриятда энг юқори лавозимни эгаллаб турган Нишоновнинг умри қисқа мартабаси кўп ўтмай инқирозга юз тутишининг айрим сабаблари шулардан иборат. Кўриб турибмизки, Нишонов ҳукмронлик қилган салкам икки йиллик даврда Ўзбекистон тарихида мудҳиш из қолдирди.

ХАЛҚ ТАҚДИРИ билан ўйнашиб бўлмайди. Ўз элини ҳурмат қилмаган, унга тош отишни ўзига эп кўрган шахснинг бири ҳеч қачон иккі бўлмаган. Рафиқ Нишонов шу халқнинг фарзанди бўла туриб, унга ёмон кўз билан нигоҳ ташлаши ҳеч ақлга тўғри келмайдиган ҳақиқатдир. Ўз юртидан анча олисда туриб, уни тарбиялаб вояга етказган, ақл-идрокини пешлаган, тилини бурро қилган, юқори минбарларни бериб қўйган халқини тан олмай, унинг равнақига тўсқинлик қилиш ўта бемаънилик эмасми? Биз ҳақ гапнинг қадрига етишни яхши биламиз. Имонимиз комилки, республикамиздаги соғлом ва бақувват кучлар ҳар қандай ғанимлик ҳаракатларига зарба беришга қодир. Ўз навбатида Рафиқ Нишонов ҳам ана шу Ўзбекистоннинг истиқлоли учун жонини жабборга бераётган барча кенг инсонлар сафида бўлишини умид қилгандик. Афсуски, умидларимиз пуч бўлиб чиқди. Ҳали ҳам кеч эмас. Халқимиз азалдан кечиримли халқ.

Бироқ Рафиқ Нишонов ва унинг пинжига тиқилган ҳомийлар поклониш учун ўзларида жасорат топа олармиканлар?

Нажим ҲАМРОЕВ,
Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг академиги, Меҳнат қаҳрамони.

Бектош РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси сув муаммолари институти директорининг муовини, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Меҳнат Қаҳрамони.

Отамурод МУҲАММАДИЕВ,
республикада хизмат кўрсатган юрист, истеъфодаги генерал-майор.

«СОДИҚ ДЎСТЛАР» УЧРАШГАНДА...

«Яна юз минг ўзбекнинг қўлига кишан уриб бермасам, Нишонов отимни бошқа қўяман!..» — дейди табассум билан бизнинг собиқ раҳбар. Жаллод Гдлян (Ўртада)нинг эса қон ҳидидан кўзлари ёнади.

Бизнинг давримизда «содиқ дўстлар» нафақат қоронғуда, балки куппа-кундуз куни ҳам топишмоғи мумкин экан...

(«Известия, 1990 йил 11 сентябрь сонидан.

Ю. Инякин сурати).

ҚИТЪАЛАР ВА ОДАМЛАР

СУД ИШСИЗ ҚОЛМАЙДИ

● **Россия Олий Кенгаши сессияси мустақил «Известия газетасини ўзига бўйсундириш тўғрисида қарор қабул қилди.**

Россия Федерацияси Матбуот ва ахборот вазирлигига рўзномани қайта рўйхатдан ўтказиш топширилди.

Бироқ, вазирлик ушбу қарорни экспертизадан ўтказиб, унинг ҳуқуқий жиҳатдан асоссизлигини қайд этди. Шу боис вазирлик конституцион судга мазкур ҳужжатнинг Конституцияга зид ёки зид эмаслигини текшириб кўришни илтимос қилиб, мурожаат этди.

КОНЧИЛАР ОГОҲЛАНТИРМОҚДАЛАР

● **Донбассда тузилган Кончилар шаҳарлари уюшмаси ўзига 13 та шаҳарни бирлаштиради.**

Куни кеча ушбу шаҳарларнинг маҳаллий Кенгашлари ва ижроия қўмиталари баёнот билан чиқдилар. Унда кўпгина шаҳарларда дон ва ун заҳиралари атиги бир неча кунга кифоя қилиши айтилган.

Тақчиллик туфайли бир қанча шаҳарларда буғдойни норма асосида тақсимлаш жорий этилган. Баёнот муаллифлари Украина Президентидан, Вазирлар Маҳкамасидан, Донецк ва Луганск вилоятлари маъмурларидан бу шаҳарларга зудл

• *Шу кунниг мавзуида*

ИМТИҲОНЛАР ЯҚИН

● Республика олий ўқув юртларида қабул комиссияси иш бошлади. Ўзбекистондаги 24 та олий ўқув юртига кундузги бўлимларда ўқишни хоҳлаган йигит ва қизлардан тўққиз мингтага яқин ариза тушди.

Тошкент Давлат дорилфунуни билан Шарқшунослик институти ҳамон нуфузли ўқув юртларидан қисобланмоқда. Чунончи, Тошкент Давлат дорилфунунига 975 талаба қабул қилиниши лозим, шу ўринга ҳозир 1115 та ариза тушди. Бошқа олий ўқув юртларида қабул имтиҳонларини топширишни хоҳловчилар қабул қилинадиган талабалар сонидан камроқ.

Шу йилдан бошлаб Тошкентдаги бешта олий ўқув юртида — Техника дорилфунунида, Автомобиль йўллари институтида, Тўқимачилик ва енгил саноат институтида, Электротехника алоқа институтида ҳамда Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида тажриба ўтказилади. Кириш имтиҳонлари ўрнига ёшларни махсус тайёрланган программага мувофиқ умумий суҳбат кутади. Бу институтларда ҳам аризалар сони қабул қилиш режаларидан кўп эмас. Масалан, Техника дорилфунунига 272 йигит ва қиз ариза топширди, ҳолбуки 520 талабани қабул қилиш кўзда тутилмоқда.

Республика олий ўқув юртларида ўзбекистонликлардан ташқари МДҲнинг бошқа давлатларидан — Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистондан келган талабалар ҳам ўқийдилар. Улардан аризалар бирор корхона ёки муассаса уларнинг таълим олиши учун ҳақ тўлашга кафолат берсагина қабул қилинади. Талабалар қабул қилишни кооперациялашга доир республикаларо шартномалар имзоланган бўлиб, бу шартномаларга мувофиқ Ўзбекистон олий ўқув юртларида ана шундай талабалар учун 358 ўрин ажратилган. Мисол учун Тошкент техника дорилфунунига 39 талабани, Андижон Давлат дорилфунунига 40, Гулистон дорилфунунига 62 талабани қабул қилиш режалаштирилган.

Ҳужжатлар 31 июлгача қабул қилинади.

(ЎзА).

Ўз мухбирларимиз хабар берадилар

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

● Жиззах вилоятида фаолият кўрсатаётган қирғиз маданияти маркази айниқса ибратли тадбирларни амалга оширяпти, — деди вилоят ҳокимининг ўринбосари Гуландом Субҳонова. — Бундай тадбирлар қўшни республикалар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада яхшиланишига хизмат қилмоқда.

Қирғиз маданияти маркази раиси Аброр Каримов ташаббуси билан қирғизистонлик таниқли санъаткорлар, олимлар, ишлаб чиқариш илғорлари вилоятда бўлишиб, қизиқарли учрашувлар ўтказишмоқда, томошалар қўрсатишяпти. Ўз навбатида жиззахликлар ҳам Қирғизистоннинг бир неча вилоятларига ташриф буюрдилар. Яқинда Норин вилоятидан меҳмонлар Жиззахга келишди. Уларга вилоят ҳокимиятининг ижтимоий масалалар ва миллатлараро муносабатлар гуруҳи раҳбари Арстонбек Суюнбоев бошчилик қилди. Меҳмонлар вилоятимизда истиқомат қилаётган қирғизлар ҳаёти, меҳнати билан қизиқдилар. Норинда яшаётган минглаб ўзбеклар ҳақида сўзлаб бердилар.

— Ҳаммасидан ҳам қардошларимизнинг Зарбдор районидаги Улуғбек номли 5-мактабда очилган янги қирғиз синфлари учун 2 минг дона дарслик ва бадиий асарлар туҳфа қилишгани ўқувчилар, уларнинг ота-оналарини мамнун этди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Ширин Чилғашев.

Меҳмонлар шунингдек, қирғиз миллати вакиллари меҳнат қилаётган «Андижон» давлат хўжалигида бўлишиб, дала ишларининг бориши билан қизиқдилар. Норин — Жиззах вилоятлари ўртасидаги маданий, халқ таълими ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик кўламларини янада кенгайтириш бўйича ўзаро келишиб олинди.

«ДИЛРАБО» ДИЛБАРЛАРИ

Боғча мудираси Тожихон опа Абдураззоқовани Фарғона вилоятининг Бешариқ районидаги «Бешариқ» давлат хўжалигида яхши билишади. У тадбиркор, оқила аёл. Шу боис қўли остидаги тарбиячиларнинг ҳам чаққон, ўз касбига меҳрли бўлишларини истайди. 354 ўринли «Дилрабо» номли мазкур боғчада кичкинтойларнинг ҳар томонлама ўсиб-улғайишлари учун барча шароитлар яратилган. Бу ерда турли тадбирлар, байрамлар ҳамиша қизиқарли ўтади.

Фарзандидан кўнгли тўқ онанинг ишида ҳам унум бўлиши табиий. Шуни назарда тутиб, яқинда Тожихон опа ташаббуси билан қишлоқда уй-боғча ҳам ташкил этилди.

Суратда: «Дилрабо»нинг дилбар аёллари иш дастурларини маслаҳатлашишяпти.

Т. МАҲКАМ олган сурат.

• *Яхшиларни эслаб*

ЧОЛЛАРДАН БЎЛМАСА, БЎЛМАЙДИ ШЕКИЛЛИ

Аниқ биламан: 1954 йилнинг август ойи эди. Ўзбекистон ёзувчиларининг тўртинчи қурултойи ҳозирги «Баҳор» концерт залида бўлди. Биз энди ўқишни тугатган пайтларимиз. Қурултойда бўлаётган биронта гапни ҳам назаримиздан четда қолдирмасликка ҳаракат қилардик. Энг қизиғи раис сайлаш пайтида бўлди. У пайтларда ҳозиргидек демократия қаёқда дейсиз? Юқоридагилар нима деса, шу бўларди, кимни деса ўша сайланарди. Бир маҳал минбарга Абдулла ака чиқди. Ҳамманинг қулоғи динг.

— Ўртоқлар — деб аста гап бошлади Абдулла ака вазминлик билан, — Биз ҳаммамиз раис бўлиб кўрдик. Энди навбатни ёшларга берайлик. Шукрким, кадрларимиз бор. Мана, Ҳамид Ғуломдан тортиб то Шотурсун Ғуломгача раисликка сайланса бўлаверади. Чоллардан нима чиқади? Мана биттаси менми? Раислик пайтимда дори ичишдан ишга қўлим тегмади. Биттаси Яшинми? У ҳам дўпписини кетмон дастага илди кетди. Ойбек ҳам бўлиб кўрди. Бироқ жўялироқ иш қилолгани йўқ. Мана, Уйғунни раис қилдик. Оқибатида нима бўлди? Дарвоқе, Уйғун бамисоли туяқушга ўхшайди. Туяқушга: «Учсанг-чи», дейишса, «Мен туяман», дер экан. «Туя бўлсанг юк ортайлик», дейишса «Йўқ, мен қушман», деб жавоб қилар экан. Агар борди-ю, сиз унга: «Нега шеър ёзмайсан»?, десангиз, у сизга: «Мен раисман», деб жавоб қилади. Раис бўлсанг «раҳбарлик қил», десанг, у; «Мен шоирман», деб жавоб қилади. Шундай бўлгандан кейин...

Албатта бу гапдан ҳамма кулди. Энг қизиғи шуки, танаффус пайтида ўша пайтдаги марказқўмнинг саркотиби Собир Камолов Абдулла акани яхшилаб бир бурган шекилли, тушдан кейинги мажлисда раисликка номзодни Абдулла аканинг ўзлари кўрсатдилар:

— Энди, ўртоқлар... — деб чайналиб гап бошладилар, — шу, бир чол раис бўлмаса, бўлмайди шекилли... Яшин бўла қолсин.

Ҳамма кулиб юборди. Одамлар Яшин аканинг раис бўлгани учун эмас, шундай тўғри сўз Абдулла аканинг саркотиб тазйиқидан сўнг бояги гапини қайтиб олгани учун кулишди.

ЎЗБЕК СОЛДАТИДАН

Ёзувчи халқи билади ўз китобига дастхат ёзиб беришнинг нақадар қийинлигини! Айниқса устозингга! Кунлардан бир кун, олтмишинчи йиллар эди шекилли, устоз Абдулла Қаҳҳор:

— Шоир, қозоқларнинг Ғабит деган ёзувчиси тузук деб эшитаман, — деб қолдилар. — Сизда бирон асари борми! Бир ўқиб кўрсам...

Ўзбек адабиётининг Қозоғистонда бўладиган декадасига тайёргарлик кўраётган кезларимиз эди. Мен ўша авторнинг «Қозоқ солдати» романини таржима қилган, китобнинг сигналнийси келган кунлар эди.

— Бор, — дедим, — Эртага уйингизга ташлаб ўтарман.

— Бўпти, кутаман.

Уйга келиб, ўзимдаги ягона нусхага дастхат ёзмоқчи бўлдим. Қани энди бирон жўяли гап келса! Ахийри топгандай бўлдим. Ёздим:

«Ўзбек адабиётининг генерали, устоз Абдулла Қаҳҳорга! «Қозоқ солдати»ни ағдариб ташлаган ўзбек адабиёти солдатидан», — деб ёздим-да, эртасига у кишининг уйларига олиб бориб бердим.

Носир ФОЗИЛОВ.

СПОРТ

ОЛИМПИАДА ШАҲАРЧАСИ

● ИЙРИК СПОРТ анжумани — Барселона олимпиадасининг тантанали очилишига саноқли кунлар қолди.

Бу сафарги олимпиадада мустақил республикаларнинг спортчилари охирги марта МДҲ терма жамоасига жам бўлиб, олимпиадага йўл оладилар. Олимпиадачиларга Николай Русак бошчилик қилади. Терма жамоада жами 493 нафар спортчи бўлиб, 150 тренер, шифокор ва ёрдамчи кишилар ҳам бор. Ўзбекистон олимпиадачилари мусобақага ҳар қачонгидан пухтароқ ҳозирлик кўришган. Улар 17 кишидан иборат. Ваҳолонки, Сеул олимпиадасида 10 нафар спортчимиз иштирок этган эди.

Барселонада олимпиада шаҳарчаси очилди. Бу ерга биринчи бўлиб жойлашганлар орасида Испания тахтининг меросхўри шаҳзода Филипп билан унинг синглиси ҳам бор. Улар спортнинг елканли қайиқ тури бўйича мусобақаларда иштирок этишмоқчи. Олимпиада шаҳарчаси эса 10200 спортчига мўлжалланган бўлиб, ташкилотчилар бу ерга 14000 кишини жойлаштириш ҳақида бош қотирмоқдалар.

БИРЛАШГАН ЖАМОАДА

● МДҲнинг салкам 500 кишилик спортчидан иборат бирлашган терма жамоаси Барселона олимпиадасига йўл олди.

Терма жамоа 12 мустақил давлат спортчиларидан жамланган. Бу жамоа спортчилари орасида Россия йигит-қизлари кўпроқ ўринни эгаллашган. Улар жами 277 кишидан иборат. Украинада—80, Белорусс—53, Қозоғистон—21, Ўзбекистон—17, Грузия — 11, Молдова—10, Озарбайжон ва Арманистон—5, Қирғизистон ва Тожикистон — 3 ҳамда Туркманистондан бир нафар спортчи олимпиадада ўз республикаларининг шарафини ҳимоя қилади.

ХАЛҚАРО УЧРАШУВДА

● РЕСПУБЛИКАМИЗДА меҳмон бўлган Жанубий Кореянинг «Алилуя» жамоаси билан халқаро ўртоқлик учрашувлари ўтказилди.

Биринчи ўйин «Пахтакор—79» футболчилари билан ўтказилиб, майдон эгалари 1:3 ҳисобида имкониятни бой беришди. Наманганда маҳаллий «Навбаҳор» жамоаси билан учрашувда томонлар дарвозага учтадан тўп киритишди.

«ОСИЁ» СОВРИНИ

● ҚОЗОҒИСТОН ва Ўрта Осиё республикалари миллий терма жамоалари ўртасида футбол бўйича «Осиё» соврини учун навбатдаги учрашув ўтказилди.

Олмаотада Қозоғистон терма жамоаси билан куч синашган Ўзбекистон футболчилари дарвозаларидан битта тўп ўтказиб, имкониятни бой беришди.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

ОМАД ЁР БЎЛСИН!

Жамғарма банки

● 30 июль куни мустақил Ўзбекистон Республикаси ички заёмининг биринчи ютуқлар ўйини Самарқанд шаҳрида ўтказилади

Мустақил Ўзбекистон 30 июлда Самарқанд шаҳрида республиканинг 1992 йилги 12 фоизли ички ютуқлар заёмининг биринчи тиражини ўтказади.

ЗАЁМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШГА ШОШИЛИНГ!

250000 сўмлик бош ютуқ сизга насиб этиши мумкин. Заём облигациялари Жамғарма банки, Агросаноат банки, Ўзбекистон саноат қурилиш банки муассасаларида эркин сотилмоқда ва сотиб олинмоқда.

12 фоизли заём облигациясини сотиб олиш билан сиз республика мустақиллигини мустаҳкамлашга ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.

Сизни республика заёмининг биринчи тиражига бағишлаб Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган байрам тантаналарида иштирок этишга таклиф қиламиз.

ДАДИЛ БЎЛИНГ, ОМАД КУЛИБ БОҚАДИ

БОЛАЛАР СОҒЛИҒИНИ ЎЙЛАБ

● КУП СОҲАЛИ Қашқадарё вилоят болалар шифохонаси ҳузурида ташхис-маслаҳат маркази иш бошлади.

Хоналар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Ультра товушли аппарат Японияники. Унинг ёрдамида ошқозон, ичак, бош мия касалликлари аниқланмоқда. Бу ерда лазер нури билан даволаш ҳам йўлга қўйилди. Болалар бўйрак тошидан фориғ бўлишяпти. Сурункали юқумли касалликларни даволаш йўл-йўриқлари аниқланяпти. Даволаш масканида кунига 200 нафар ўғил-қизни қабул қилиш мумкин. 12 нафар олий маълумотли шифокор беморларга тиббий хизмат кўрсатаётир. Тиббиёт фанлари номзоди Қ. Нурмуҳамедов, Ҳ. Сафаров, А. Ражабов, С. Каримов сингари малакали шифокорлар хизматидан беморлар мамнун.

Шифокорлар иш жойларидан туриб вилоят районларидаги касалхоналарда даволанаётган беморларга ҳам маслаҳат беришлари мумкин. Бунинг учун марказда тўғридан-тўғри шаҳарлараро телефон алоқаси ва рация хизмати йўлга қўйилган.

• ҚИЛМИШ—ҚИДИРМИШ •

«ОВ»ГА ЧИҚҚАН БЕШОВЛОН

Очиғи, ҳозирги ўғрилар анча пухта. Тўғри келган ерни уриб кетишмайди. Аввал ўзларига керакли жойни топишади, кейин кузатишади. Қулай фурсат келиши билан режаларини амалга оширадилар.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари бизга қизиқ бир далилни айтишди. Жиноятчиларнинг аксарият қисми давлат машиналаридан, тўғрироғи, таксилардан фойдаланишар экан. Чунки хавфсиз. Одамлар унча эътибор беришмайди.

Қуйидаги воқеа ҳам шунга ўхшаш. Т. Жўраев билан А. Курбонов Двойниковлар хонадонида пул ва қиммат-баҳо буюмлар борлигидан хабар топгач, тинчлари бузилди. Қолаверса, Двойниковларнинг ожиз (гунг-соқов)лиги улар учун айни муддао эди.

Мўлжал аниқ. Уни қандай ўмариш керак? Уларга Ш. Иброҳимов, Ш. Абдуллаев ва О. Обидовлар қўшилди. Қисқаси, фикрлари бир жойдан чиқди. Совуқ қуроллар билан шайланиб, режани амалга оширишга келишиб олдилар. О. Обидов такси ҳайдовчиси. Унинг бу тўдадаги вазифаси шерикларини белгиланган жойга олиб бориш ва ўмарилган ўлжани келишилган манзилга элтиб қўйиш эди.

Бешовлон «ов»га чиқиш олдидан ҳар бири ўзи қиладиган ишни белгилаб олди. Сўнгра бир оз ичкилик ичишди. Кейин, ишимиз ўнгидан келсин, дея таксига ўтириб йўлга чиқишди.

Баҳор кунларининг бири. Тунги соат бирларда пойтахтдаги Миробод районида яшовчи Двойников уйи олдига такси автомашинаси келиб тўхтади. Ундан олазарак бўлиб тўрт киши тушди: Обидов эса машинада қолди. Ҳалиги шахслар уйга осонгина кириб олишди. Бу пайтда уй эгалари ширин уйқуда эди. Юзларига ниқоб кийиб олган йигитлар дераза орқали астагина ичкарига киришди. Иброҳимов қўлидаги ингичка қувур билан ухлаб ётган уй эгасининг боши ва юзига бир неча бор урди. Шериги ёрдамида унинг қўлини боғлади. Сўнг бўғиб ўлдиришди. Бу пайтда ҳеч нарсадан тоймайдиган Қурбонов шу хонада ётган Р. Двойниковани дўппислаб, унинг қулоғидаги қиммат-баҳо зиракни тортиб олди. Кейин аёлни полга қулатиб, устига кўрпа-тўшак ташлаб қўйишди. Уй эгаларини «тинчитишгандан» кейин пул ва қиммат-баҳо буюмларни ўмаришга тушдилар. Иккита видеомагнитафон, иккита чанг ютгич, битта телевизор ҳамда беш минг сўмга яқин пулни, шунингдек, аёллар ва эркаклар пойабзалларини қўлга киритгач, тезда О. Обидовнинг таксисига ортиб жуфтакни ростлашди. «Ов» ўнгидан келганди. Энди манзилга тезроқ етиб бориш ва нарсаларни яшириб қўйиш керак эди.

Тунги соат учда А. Қодирий кўчасида ўз хизмат вазифасини бажараётган милиция ходимлари сергак туришарди. Нимагадир такси автомашинаси уларда шубҳа уйғотди ва унга тўхташ ишорасини қилдилар. Бироқ у қочди. Милиция ходимлари уни қувишди. «Ганга» дўкони яқинида автомашинани тўхтатишга муваффақ бўлишди. Ҳайдовчидан ташқари унда тўрт киши борлиги, салон ва юкхонада буюмларнинг кўплиги шубҳаланиш учун асос бўларди. Бешовлонни ички ишлар бўлимига олиб боришди.

Бу вақтда жабрланувчи аёл Р. Двойникова бўлган воқеа хусусида милицияга хабар берган эди. «Ов»га чиққан бешовлон шу тариқа қўлга олинди. Кези келганда айтиш керак. Агар ўша тунда навбатчиликда турган милиционерлар озгина бепарволикка йўл қўйганларида мазкур тўда қилган жиноятни очиш анча қийин бўларди.

... Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов коллегиясининг очиқ суд мажлисида шу гуруҳнинг иши кўриб чиқилди. Жиноятга қўл урган йигитлар эндигина 20-23 ёшга кирган. Қарийб ҳаммаси тенгдош. Айни ўқийдиган, ишлаб толмайдиган бу шахслар нима учун босқинчилик қилиб, одам ўлдиришди? Жавоби эса битта: пул топиш, бировларнинг мол-мулкини ўғирлаб, осонгина бойлик орттириш учун.

Судда айбланувчилар қилмишларидан тонишди. Чалғитишга ҳаракат қилишди. Турли баҳоналар тўқиб чиқаришди. Етарли далил-исботлар, жабрланувчи ва гувоҳлар кўрсатмалари жиноят қасддан содир этилганлигини кўрсатди. Шундан кейингина Т. Жўраев, А. Курбонов, Ш. Абдуллаевлар айбдорлигини қисман бўйнига олди. Бироқ, О. Обидов ва Ш. Иброҳимовлар эса бўлган воқеадан хабаримиз йўқ, деб туриб олишди. Такси ҳайдовчиси О. Обидовнинг жиноят содир этишдаги иштироки далиллар билан тасдиқланди. Босқинчилик қилиш мақсадида Т. Жўраев билан тил бириктирган Ш. Иброҳимов айби ҳам исботланди.

Ҳукм чиқариш қийин. У холис бўлиши керак. Шундагина ҳақиқат қарор топади.

Судлов коллегияси мазкур жиноий иш бўйича ҳукм чиқарар экан узоқ фикрлашдилар. Ҳар бир шахснинг ёши, жиноят содир этишдаги иштироки ва улар ҳаракатининг хавфлилик даражаси ҳисобга олинди. Босқинчилик қилиб шахсий мулкни ўғирлаганликлари ҳамда бир инсоннинг умрига зомин бўлганликлари учун Т. Жўраев 12 йилга, А. Курбонов ва Ш. Иброҳимовлар 10 йилга, Ш. Абдуллаев ва О. Обидовлар 9 йилга ҳукм қилинди. Улар жазони кучайтирилган режимли колонияларда ўтайди. Ушбу ҳукм Ўзбекистон Республикаси Олий судида атрофлича кўриб чиқилиб, ўзгаришсиз қолдирилди. Қилмиш-қидирмиш, деганлари шу бўлса керак.

Р. ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Э. ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент шаҳар суди аъзоси.

Пахта савдоси билан шуғулланувчи фирмага

ВАКИЛЛАР КЕРАК

Республикамизнинг барча регионлари бўйича пахта топиш имконияти бўлган, ҳамда ўзини биз билан ҳамкорлик қилишга лойиқ, деб билган барча корхона ва шахсларни (3712)39-11-10 телефонига қўнгироқ қилишни таклиф қиламиз.

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ «ТАШАББУС» ТИЖОРАТ МАРКАЗИ

Бийск шаҳрида ишлаб чиқарилган ҳар банкаси 4,5 килограммли НЦ—132 нитроэмалини:

3 тонна—666 банка оқ нитроэмаль

4 тонна—888 банка ҳаво ранг нитроэмаль

3 тонна—66 банка сариқ нитроэмаль

СОТАДИ

Ҳар бир банка нитроэмалнинг баҳоси қўшимча тўлов билан 346 сўм 75 тийин.

Ҳақ олдиндан тўланади.

Телефонлар: 48-33-37, 48-33-28, 62-64-60, 92-06-89.

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.



БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-57; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда—33-44-51, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи—64583.

Буюртма № Г—217.

№ 143.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 21.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни, 700000 Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.